Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

22 сон

29-май — 4-июн 2003 йил

ҲАР ҲАФТАНИНГ ПАЙШАНБА КУНЛАРИ СИЗНИНГ БЕҒАРАЗ СУҲБАТДОШИНГИЗ

ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИДА ҲАМИША БИРГА

Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов билан суҳбат.

- Муҳтарам устоз суҳбатимизни аввало илк бора сизни ҳайратлар оламига етаклаган болалик дамларингизни хотирлаш билан бошласак.

- Болалигинг қандай шароитда, қандай замонда ўтган бўлмасин, барибир уни ширин бир энтикиш билан эслайсан экан. Қашқадарё вилоятининг Пўлати деган қишлоғида ўтди болалигим. Уйимиз мактабнинг шундоққина биқинида эди. Шунданми вақтим доим мактабда ўтарди. Ўқиш жойимиз ҳам, ўйин-уйимиз ҳам, кўзни очиб югурадиган манзилимиз ҳам — мактаб эди.

Айниқса варрак жинниси бўлган кезларимизни эсласам, юрак орқага тортиб кетади. Ўлар-етаримизга қарамас эканмиз-да?! Икки кўзимиз осмонда. Варракни охирги қатимигача қўйвориб, томлар уч-учида муаллақ юрардик. Йўлдош бува деган поччамиз бор эди. Холамнинг эри. Шу киши бизларга вариллаб учадиган дардаракли варраклар ясаб берарди. Йўлдош бува узоқ йиллик қамоқдан қайтиб келган, новча, бечораҳол одам. Чилимнинг додини бериб тортади. Тутунга беланиб ўтирар, устма-уст йўталар эди. Одамларни тўплаб, бошидан ўтганларни гапириб беришни яхши кўрарди.. Нима сабабдан қамалиб келганлигини ўзи ҳам билмасди раҳматли. Қамоқ жойларини эслаб: "Фалон жойга "итоп" бўлганмиз",- деб қўярди. "Итоп" дегани нима бало экан- деб ўйланардим. Китобга яқин бирор сўзмикан, десам мос келмайди, ўзларидан сўрашга ботинолмайман. Кейинчалик билсак, қамоққа олинганларни тўда-тўда ҳайдаб бир жойдан иккинчи жойга кўчириб, янги манзилларга тиқишларини "этап" дейишар экан. Йўлдош бува раҳматли шу азобларини мароқланиб сўзлар экан, оғзимиз очилиб эшитаверардик.

Оиламиз меҳмони

Етти ёшимда уйимизнинг рўпарасидаги мактабнинг биринчи синфига ўқишга кирдим. Асли-ку олти ёшимдан борганман, лекин ёш деб синфга расман қабул қилишмаган. Шарипов деган ажойиб муаллим мени деразанинг рафига ўтқазиб қўярди, қулоғи, кўзи дарсларга пишсин деб.

Яраш ака деган ўқитувчимиз дангал гапиришни жонини киргизарди. Урушда ярадор бўлиб қайтган, ажойиб киши. Бизга ҳарбийдан дарс берарди. Яраш домланинг яхши одати бизларни сафга тизиб ҳовлисига бошлаб бориб, бузилган иморатнинг кесакларини ташитиб, кун бўйи ишлатарди. Умримда кимдандир бир шапалоқ еган бўлсам, шу одам урган. Сафда валдираб кетаётган бир ўртоғимни тартибга чақираман дегану у чап бериб қолган ва шапалоқ менга "насиб" этган. Шуни эслаб доим ноқулайлик сезиб юрарди. Мен эса ҳазилга олиб "ўша кесак ташиганимизнинг ҳаққи эди-да", деб кўнгилга олмас эдим.

Яна бир соддадил ўқитувчи, отларини айтмай қўяқолай, мактаб омборчасидаги қоплардан ён чўнтакларини тўлдириб арпами, буғдойми ўмариб, шошма-шошарлиқданми, саросимаданми чўнтагидан олиб қўйган ҳужжатларини ўша жойда қолдириб кетибди. Эртасига одамлар роса кулишган. Ўғрининг бу қадар ҳалол ва пок бўлиши камдан-кам холатларда учрайди.

- Озми-кўпми мақсадларингизга етишишингизда ота-онангизнинг ҳиссаси қай даражада бўлган, деб ҳисоблайсиз?

- Онам раҳматлик Ражаб момо ҳам асли шу Пўлатидан. Қишлоқнинг фаол аёлларидан эди. Мен отам ва онамнинг ёлғиз фарзанди эдим. Шунинг учун ҳам маълум даражада эркатойлигим ҳам бўлган. Тақдир шундай буюрдики, мен 10-11 ёшда эканлигимда улар ажралишиб, иккаласи ҳам бошқа-бошқа оила қуришиб, кўп фарзандли бўлиб кетишган.

(Давоми 2-бетда.)

1-июн — Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш куни

БОЛАМНИНГ БОЛАСИ...

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА

БИР ЖУФТ ЧИНОР

Худо берган Ҳасан-Хусан
Бир жуфт ширин неварам.
Тақдиримдан беҳад хурсанд,
Иккиси ҳам севарим.
Адашади гоҳо сўзим,
Ҳасанни дейман Хусан,
Бўйи басти бир хил юзи.
Бир жуфт чинордек турса.
Хусанжонни чорлай десам
Пайдо бўлар Ҳасаним,
Хусанмисан, Ҳасанмисан,
Кимсан, айтгил, асалим?
"Мўйлов оши" берар бўлдик,
Сабз урибди киприкдек,
Оппоқ юзга ярашибти.
Қора қошлар кўприкдек.
Иккиси ҳам бирдек кулар
Кўзларимга шўх боқиб,
"Катта ойижон" деб улар
Янада меҳрим ёқиб.
Адашсам-да, бор бўлингиз
Отангизга изма-из.
Омадни ҳам тенг бўлингиз,
Узоқ бўлсин умрингиз.
Илм, меҳнат йўлингизда,
Иқболингиз гуллажак.
Билингизким, қўлингизда
Буюк номли келажак!

БАЙРАМ ҚИЗАЛОҒИ

1 июн кунида туғилган Моҳирабонуга

Сочларинг узун-узун,
Кўзларинг қора узум.
Бўйларинг новда қайин,
Қадаминг майин-майин.

Уч баҳор латофати,
Уч қишнинг шарофати,
Уч куз асал шарбати,
Уч ёз саратон тафти -
Бари сенда мужассам,
Ширину шакар десам.
Ҳеч ишонмас сўзимга,
Савол беринг ўзига.

Адам-ла оппоқ дейди,
Ойим-ла қаймоқ дейди,
Моҳи эса йиғлоқи,
Азгина чатоқ, дейди.

"Чатоғим" йиғлама, кул,
Укаларга опа бўл.
Ёшингга ёш қўшилиб
Бувинг каби юзга тўл.

ШИРИН

Отасининг биттагина
она қизи,
Суюнчаги, куюнчаги,
худди ўзи.
Ойисининг кўз гавҳари,
ой, юлдузи,
Асал-асал неварамнинг
бири Ширин.

Излаб—излаб номингни ҳам
Ширин дедик,
Гўзалликда танҳо, кўркам,
Ширин дедик,
Ширин ҳаёт бўлсин ҳамдам,
Ширин дедик,
Новвот-новвот неварамнинг,
Бири Ширин.

Ўсиб улғай саломатлик
чорбоғида,
Элу юртнинг эъзозида,
қароғида.
Бахт тилсими очиқ турсин
Ҳар ёғингда,
Ширин ўрик донасининг
Бири Ширин.

«БАЛЛИ ҚИЗЛАР!»

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти хотин-қизлар қўмитаси ҳамда олийгоҳ «Камолот» ёшлар ижтимоий кенгаши ҳамкорлигида «Балли қизлар!» конкурси ўтказилди. Унда бир-биридан аълочи, бир-биридан сулув, бир-биридан хаёли, одобли қизлар «Обод маҳалла йили» юртимизда амалга оширалётган буюёдкорона ишлар, шеърият ва санъат, уй бекасининг юмушлари ва эркин мавзуда ихтижорларини намойиш этдилар. Шоира Фарида Афрўз бошлиғидаги ҳакамлар ҳайъати ва маданият саройига тўпланган устозлар, талабалар доною зукко қизларнинг қўйилган масалаларга жавобларини диққат билан тинглашди. Тайёрлаган таомларидан баҳра олишди, тинглаган қўшиқлари, рақсларидан кўнгиллари завқу сурурга тўлди. Ниҳоят конкурс якунланди. Биринчи, иккинчи, учинчи ўринларга сазовор бўлган қизларга совғалар топширилиб улар шаънига яхши тилаклар билдирилди.

Ўз мухбиримиз
Суратчи: М. МИРСОДИҚОВ

ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИДА ҲАМИША БИРГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ота-онамдан кўра ҳам, мен жаннатий аёл Чинни момомнинг боғирларида ўсдим. Мени жуда яхши кўрарди раҳматлик. Оппоқ лачагу желаги тик бўйларига ярашиб, ҳассасини дўққиллатиб, мени эргаштириб олиб, гоҳ Пўстхўр, гоҳ Мерганча маҳалласидаги қариндошларникига олиб борарди. Пўстхўр маҳалласида аммамиз Рухсат момо турарди. Бу ерда ҳам бир неча ўртоқларим бор эди. Турмуш қийинчиликларини шундан ҳам билса бўлидики бир неча ҳамқишлоқларим эшакларини миниб, Каттақўрғон томонларга кетиб, харсанг-харсанг тош-тузларни олиб келиб, бозорда арзон-гаровга сотишиб кун кўришарди. Ишқордан ясалган учбурчак совунлар бўларди, чой йўқлигидан беҳи, олмаларнинг пўстлоғи, барги дамлаб ичилар эди. Атала-ку энг тансиқ таомлардан. Жамоа хўжалигимиз раиси тўй қилганда одамлар палов таъми қанақа бўлишини яна бир бор татиб кўришган. Отам мени Бухорою Самарқандга ҳам олиб борганлар. Бу 1939-40 йилларидаги гаплар. У вақтларда бундоқ сафар энг ноёб ҳодиса ҳисобланарди. Тезкор "улов" лар йўқ пайтни тасаввур этинг. Вой-бў, Бухорою Самарқандга бориш-а! Бу шаҳарлардаги салобат ва гўзалликдан оғзим ланг очилиб томоша қилганман. Азамат бинолар, мадрасаю, миноралар чинакам мўъжиза эди. Ким қурган бу биноларни? Қандай усталар ишлаган нақшини? Қачон бунёд этилган? Саволларим, ҳайратларим чексиз эди. Отам алоҳида бир фахр ва билимдонлик билан: "Амир Темур деган пошшо даврида қурилган, беш юз йил олдин!"-деб тушунтиришдан зерикмасди.

Ота-онам билан доимо бирга яшамаган бўлсам ҳам, тақдир мени яхши инсонлар меҳридан аямади. Агар ҳаёт бир текисда ўтганида, менинг болалигим турмуш қийинчиликларига дуч келмаганида, бир неча мураккабликларни бошимдан ўтказмаганимда, балки табиат гўзалликлари-ю, неъматларидан завқланмаган, одамлар қалбининг нозик хисларидан хайратланмаган, бир сўз билан айтганда, қалбим шоирликка мойил бўлиб ўсмаган бўлармидим...

- Қалбингизга муҳаббат меҳмон бўлиб кирган бетакрор лаҳзалар...

- Ўзингиз айтинг, умрида қалбига муҳаббат меҳмон бўлиб кирмаган, хижрон азобларидан тунларни тонгларга улаб ўтказмаган инсон бормикан? Йўқ албатта. Умримнинг баҳорий фасллари ҳақида ўйлар эканман, кўнгил уйига бирдан гуркираб кирган ва унда абадий жой олган ғалати бир туйғудан ҳалиҳамон ширин энтикиб кетаман. Орадан эллик йилдан ошиқ салмоқли фурсат ўтибдики, мен то ҳануз шу сеҳрли туйғунинг мафтуниман. Уруш йилларининг оғир ва машаққатли гирдобидан аранг сирғалиб чиққан қишлоғимизда ўрта мактабнинг тўққизинчи синфигача ўқитилларди холос. У ҳам бўлса номига, иримига. Шуни битириб туманимиз маркази Косонга-ўнинчи синфни тугаллаш учун келдим. Мендан уч синф қуйироқда ўқиётган Шамсия исмли қиз билан тез-тез, ҳаяжонли, сирли, дўстона, самимий учрашувларимиз шу манзилдан бошланган. Аслини олганда биз Шамсия билан болалик йиллариданоқ таниш эдик. Унинг аммаси Рисолат ая менинг уруш майдонларидан кўкси тўла нишон билан қайтган, "юз грамм" ни жон-дилдан севадиган тоғам билан турмуш қурган бўлиб, туман марказида яшардилар. Болаликда тоғамникига тез-тез келиб турардик. Шу ерда бир гуруҳ қизғўғил болакайлар югуришиб-ўйнашиб "катта" бўлганмиз. Қизалоқлар ичида кўнглимга энг яқини Шамсия эди. Бирга сувратга тушганмиз, бекинмачоқ, «оқ терагу, кўк терак» ўйнаганларимиз кечагидай эсимда...

Ўнинчи синфни битириб, мен Тошкентга-дорилфунунга ўқишга кетдим. Ўзаро дўстона мактуб алмашувлар, таътилга келганимда турли баҳоналар билан учрашиб туришлар давом этди ва бора-бора... усиз яшай олмаслигимни ҳис этдим. 1951 йилнинг август ойида, яъни 5-босқич талабаси эканлигимда тўйимиз бўлиб, ўшандан бери эллик йилдан ошиқ умр йўлини биргаликда босиб ўтмоқдамиз. Севгими, муҳаббатми, ишқми деб аталувчи ўша лаҳзалар бошланишини "Она - ер қўшиғи" достонимда шундай тасвирлаганман:

Улғаярдим... кўксимда ногоҳ, тўлқинланди ширин бир туйғу,
Бир қудратдан этдию огоҳ, кўзларимдан йўқолди уйқу.
Бу нима куч? Бу қандай сеҳр? Билолмасдан лол эдим жуда,
Сўнгги борми бу дарднинг, ахир, ҳаловатдан бўлдим-ку жудо.
Шу яйловнинг эрка дилбари, бирга-бирга ўйнаб ўсган қиз,
Бир ўт бўлиб қараган сари, юрак бағрим ёнарди жиз-жиз.
Аввал сира қилмадим парво, кўзи кўкми, қора-билмасдим,
Бўлмагандим асло маҳлиё, хатто баъзан кўзга илмасдим.
О, кейин-чи! Уни кўрганда, бир... лов этиб бўлар эдим чўғ,
Жаранг солиб, нозли кулганда, лабин гулга ҳеч қиёси йўқ.
Рўмолини эслатар кўк қир,тунлар эса қора кўзини,
Табиат ҳам бўлгандай асир, оёғига отмиш ўзини...

Озми-кўпми барча ижодий, ҳаётий ишларимнинг асосий таянчи, илҳомчиси ҳам-рафиқам! Болаларимиз барчаси оилали, эл хизматида, турли ташкилотларда ишлашади. Ёшлари-талабалар, ўқувчи авлод. Рафиқам ҳаёт йўлларининг барча бурама ва равон сўқмоқларида мен билан бирга юриб, мураккаб ва қувончли дамларни бирга баҳам кўриб, шу ёркин кунларга етишдик.

- Ёшликда оилани сақлаб қолиш қийин дейишади. Бу борада нималарга кўпроқ эътибор беришимиз зарур деб ўйлайсиз?

- Никоҳ тўйи кечасидаги эзгу ниятларимиз, ёшларга тилаган бахтли ҳаёт истаги-ҳеч қачон ҳавода муаллақ қолмаслиги керак. Келин тушираётган, яъни ўғил уйлантираётган, қиз узатаётган ҳар икки оила ўз бағирларида юзага келган янги оилага ҳар томонлама кўмаклашмоғи шарт. Бу-исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Оилалар силсиласининг давомийлиги-бу ҳаёт бардавомлиги, янги-янги авлод юзага келмоғидир. Бу-табиат ва жамият қонуни, аслини олганда. Янги оила-ҳаёт кўрки, умр зийнати, орзуларимиз амали. Уни кўз қорачиғидай асраб, тўғри йўлга бошқаришда ўзимизни аямаслигимиз шарт. Экилган навниҳол қанчалик парвариш талаб қилса, янги оилани ҳам гулдай меҳр, муҳаббат, ҳарорат ўти камолга етказади, яхши сўз, шафқат ва мурувват унга қанот бағишлайди.

- Оилада кўпроқ қиз бола онаси билан сирдош бўлади. Икки нафар қизларингиз бор экан. Улар билан ота сифатида қандай муносабатда бўласиз?

- Ота ва қиз ўртасидаги муносабат - нозик масала. Бу соҳада халқимизнинг ўз қадрияти, шакллганган ҳаёт тарзи бор. Қиз бола меҳрга муҳтож. У кучли таянчи, меҳрибон кишиси, одил раҳнамоси бўлишини жуда-жуда истайди. Ота эса, айни шундай шахс. Қиз бола онанинг танбеҳларини бемалол, тўғри тушуниб "ҳазм" этиб кетаверади. Ота муносабати эса бирмунча мураккаб. Ота ўз салмоғи, салобати билан қиз қалбига мардона руҳ, қатъият, масъулият ҳиссини сингдириши мумкин. Қиз болани бўлар-бўлмасга жеркиш, ҳаддан ташқари тергаш, шахсий туйғуларини менсимаслик тўғри келмайди. Ота ўз бурчи, вазифасини муносиб тарзда бажарса-қиз бола ҳарактери тўғри шаклланади. Аммо ҳаёт шуниси билан қизиқки, дунёда турфа хил ҳарактер ва феъл-атворли кишилар бор. Менинг ҳам Юлдуз ҳамда Қундуз исмли қизларим бор. Ҳар иккиси ҳам оилали. Юлдуз қизим ҳазил-мутойибага мойил, андишали, ўз фикрини ўйлаб баён этувчи, табиатан хушчақчақ. Қундузгинам унинг акси. Бироз шаддод, гапнинг тўғрисини айтадиган, дангалчи. Ҳар иккиси билан ҳам ҳарактерларидан келиб муомала қиламан.

- Муҳаббат ёш танламайди дейишади. Инсон 60 ёшда ҳам севиб қолиши мумкинми?

- Муҳаббат-юракнинг мафтункор қудрати, у мўъжизалар яратишга қодир. Агар тақдир тақозоси ила шундай зарурат туғилса, унда муҳаббат янгича бир куч билан барқ уриши мумкин. Кўпинча шу ҳақда мавзу очилганида Гётени мисол келтиришади. Қолаверса, ўз тарихимизда ҳам бундай ҳолатлар топилади. Баъзида 20-30 йиллаб турмуш қуриб юрган инсонлар, йиллар ўтиши билан бирбирларини қариган чоғларида "севиб қолишлари" мумкин. Муҳаббатни қачон, қандай тарзда қалбга меҳмон бўлишини ҳеч ким билмайди. Аллоҳ бир нарсадан — Муҳаббатсизликдан асрасин барчамизни.

- Айтайлик, гўзал бир аёл сиздан ўзи ҳақида шеър ёзиб беришингизни илтимос қилди. Унинг хоҳишини бажо келтирасизми? Ёки...

- Албатта ёзар эдим. Чунки гўзал Аёл қиёфасида буюк инсоний жозиба мужассам. Жаҳон лирикасининг барча дурдоналари ана шундай фавқулодда ҳайратдан юзага келгани ҳаммага маълум. Навоийнинг беназир сатрлари, Атойининг "Ул санамким сув яқосинда паридек ўлтирур, ғоятда нозуклигидин сув била ютса бўлур" ғазали, Фурқатнинг дил номалари гўзал аёлга бағишланган дурдоналардир. Бундай ижодни беқарорлик, енгилтаклик, кўринган гўзалга севги изҳор этиш деб тушуниш-бу ҳам гўзалликдан маҳрумлик дегани. Агар ана шу соф гўзалликдан хайратланиш бўлмаганида дунё мусиқасидаги гўзал оҳанглар-у, кишини хайратда қолдирадиган санъат асарлари дунёга келмаган бўларди.

Ўз тимсолида юксак ақлу одоб, чирой, гўзал муомала, меҳру садоқатни мужассам эта билган Аёл- бу чинакам гўзаллик. Мен умумун аёл зотида қусурлар бўлишини истамайман. Улардан ҳамиша илоҳийлик белгилари барқ уриб турсин...

- Яна қандай дил сўзларингизни айтишни истардингиз?

- Севимли газетамиз "Оила ва жамият" ҳақида икки оғиз сўз. У ҳар бир хонадоннинг беғараз, ҳамиша яхши умидлар билан кутадиган азиз меҳмонига айланган. Ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари уйимизга ташриф буюрар экан, дарҳол қўлма-қўл ўтади. Яхши, доно маслаҳатчи сифатида умумий гаплар билан эмас, аниқ ҳаётий мисоллар билан яхшиликни тарғиб этади. Турмуш чорраҳаларининг жуда кўп муаммолари ҳақида дадил фикр юритади. Очиғини айтди.

- Беғараз фикрларингиз ила минглаб хонадонларнинг меҳмонига айланганингиз учун биз ҳам сизга ташаккур айтамиз.

Суҳбатдош
Нигора ЙЎЛДОШЕВА

Ҳуқуқий дарсхона

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАР МУҲОФАЗАСИ

(Боши ўтган сонда.)

Аёлларни ҳуқуқий муҳофаза этишда, уларнинг оиладаги ва жамиятдаги ролини оширишда Оила кодексининг қандай аҳамияти бор?

Оила кодекси аёлларнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеини, ҳуқуқий мақомини белгилаш нафақат халқимизнинг асрий шаклланган миллий-маънавий қонунчилик тажрибамизни, балки халқаро умуминсоний мезонларни ҳам ўзида тўла акс эттирди. Чунончи: "Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"-ги халқаро Конвенциянинг 16-моддасида барча иштирокчи давлатлар никоҳ ва оилага оид ҳамма масалаларни эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлиги асосида ҳал этиш ҳамда оилавий муносабат (низо)ларни ечишда хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш учун зарур чоралар кўришлари лозимлиги таъкидланган. Халқаро ҳуқуқ талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 21-моддасига "Оилавий турмушнинг барча масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қиладилар", -деб мустаҳкамланган. Шунингдек, кодексда эр ва хотиннинг ҳар бири машғулот тури, касб ва туриш ҳамда яшаш жойини танлашда эркли эканлиги кўрсатилган.

Оила кодексига мувофиқ никоҳ тузишнинг муҳим шартлари қандай?

Қонунда никоҳ эркин-ихтиёрийлик, эркак ва аёлнинг ўзаро розилиги асосида тузилиши белгилаб қўйилган. Никоҳ тузишга мажбур қилиш таъқиқланади. Ўзбек қонунчилигида биринчи маротаба никоҳланувчи шахсларни медицина текширувидан ўтказиш ўзининг расмий ҳуқуқий ифодасини топди. Оила кодексининг 17-моддасига кўра, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек тиббий-ирсий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш оила қураётган шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади. Никоҳланувчи шахсни кўрикдан ўтказиш натижалари тиббий сир ҳисобланади ва у кўрикдан ўтган шахснинг ихтиёри билан ошкор этилиши мумкин. Башарти, никоҳга кирувчи кимсалардан бири муайян хасталикни, масалан, таносил касаллиги ёки инсон иммунитети танқислиги синдроми (СПИД) борлигини яширган бўлса, алданган турмуш ўртоғи никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Бу ниҳоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий, айни вақтда, адолатли қоидадир. Ҳаётда шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, билмасдан жинсий ожиз йигитга турмушга чиққан қиз маълум вақт ўтгач, "туғмас жувон экан", ёки "касалманд бепушт аёл экан" деган тамға билан бадном этилиб, турмуши барбод бўлади. Тақдири чил-чил синиб, умрбод ноҳақ виждон азобига дучор этилади. Ёки бошқа мисол: С. исмли қиз совчиларнинг "хайбаракалласи" билан ота-онаси ва ўзи билмаган ҳолда А. исмли руҳий касалманд-тутқаноғи (эпилепсияси) бор бўлган йигитга турмушга чиқади. Тўйдан бир ҳафта ўтгач, сир ошкор бўлади. Йигит руҳий хасталиклар касалхонасига жўнайди. Қиз ўз ота-онаси уйига қайтади. Яна синган тақдир, жароҳатланган аёл қалби... Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қисқаси, бугунги кунда қонун ёрдамида мана шундай фожеаларнинг олдини олишга яна бир муҳим қадам қўйилди.

(Давоми бор.)

ҚУЁШНИНГ ОРТИДАН КЕЛГАН ОДАМ

ҚИССАДАН ҲИССА

Ўйимизнинг ёнида жойлашган мактабга иш юзасидан киришимга тўғри келди. Вақт анча кеч бўлиб қолганди. Шундай бўлса-да, бирортасини учратарман деб ўйлагандим. Дарвоза ёнида мени жиккаккина бир киши тўхтатди. Мен рахбарлардан бирортасини излаб келаётганимни айтдим. У эса, ўжаргина экан. Хужжатимни суриштирди. Мен кўрсатдим. Ҳалиги киши қоровулхонадан кўзойнагини олиб чиқиб синчиклаб қўлидаги гувоҳномамни текширди. Бир менга, бир сувратимга қараб солиштира бошлади.

Қоровулнинг бу муомаласидан энсам қотди. Кейин гувоҳномамга қўл чўздим.

- Майли, бошқа пайтда келарман, - дея кетишга чоғландим. Қоровул эса бирпасда ранги ўзгарганди.

- Э, йўқ, синглим. Дилором Сайфиддиновна, ҳадемай келиб қолади. Сиздан сал олдин қўнғироқ қилганди. Кетиб қолсангиз хафа бўлиши мумкин. Қани, мана бу ерга ўтиб туринг, мен ҳозир..

У зипиллаб яна хужрасига кириб кетди. Бироздан сўнг, елкасида сочиқ, патнисда чойнак, пиёла яна нималардир кўтариб чиқиб келди.

- Мана бу чойни ичиб гурунглашиб ўтирайлик-чи, унгача Дилоромхон ҳам келиб қолар, - дея патнисдаги нонни ушатиб, чой қуйиб узатди. Мен унинг бу муомаласига ажабланмадим. Бироқ, чойнакнинг остидаги бежирим таглик, санъаткорона гул солиб тикилган сочиқ диққатимни тортди.

Хуллас, сочиқни қўлимга олиб гулларини томоша қилишдан тортинмадим. Чунки, ўзим ҳам кашта тикишни ёқтирар, ноёб нусхаларини йиғиб ҳам юрардим. Лекин бунақа дид билан тикилганини ҳеч кўрмагандим. Буни кўриб қоровул яшнаб кетди. Кўзлари чақнади. Сўнг:

- Сиз ҳам каштага қизиқасизми? Ишонсангиз уйимиздаги бирор буюм йўқ, гул солиб тикмаган бўлсам- деди у фахрланиб.

- Ие, ҳали ўзингиз ҳам кашта тикишни биласизми? - дедим ҳайратимни яшира олмасдан. Бу киши мени қизиқтириб қўйди. У менинг қизиқаётганимни кўриб қувониб кетди. Кейин ичкаридан усти ёпилган сават кўтариб чиқди. Унинг ичида турли ипаклар, нина-қайчи, хуллас каштачиликда ишлатиладиган буюмлар ва каштаси битай деб қолган сочиқлар бор эди. Каштачи амаки эса уларни ифтихор билан менга кўрсата бошлади. Мен ҳайратда эдим. Чунки, ўзимни энг фантазияси зўр тикувчи деб билардим-да.

- Сиз тикаётган кашталарнинг гулларини ким чизади? - деб сўрганимда: - Ўзим кўз олдимга келтириб тикавераман. Бу менга ҳузур бағишлайди. Уйда деразамизнинг олдидан кўриниб турадиган манзарани тасвирлаб тиккан панно-гиламларим бор. Уларни ҳатто, хорижликлар келиб сотиб олишмоқчи бўлишди. Катта пул беришмоқчи ҳам бўлишди. Мен кўнмадим.

- Ажойиб ҳунарингиз бор экан. Уни кимдан ўргангансиз?

Сухбатдошимнинг ҳозиргина кулиб турган чеҳраси бирпасда муғайди. Унинг кўзларига ҳасрат чўқди. Кейин...

- Гарчи бу гапни айтиш оғир бўлса-да, айтай. Бу ҳунарни мен қамоқхонада ўрганганман... Турмушда ҳамма нарса бўлар экан.Мен иш жойим қисқаргандан кейин тирикчилик учун эски "Запорожец" машинамда киракашлик қила бошладим. Уч қизим бор. Хотиним эса уйда эди. Хуллас, бир куни қаттиқ чарчасамда, олис йўлга отландим. Пул рўзғоримизга жуда зарур бўлиб қолганди. Биттаси билан анча пулга байлашиб йўлга чиқдим. Ёмғир ёғаётганди. Машинам сирпаниб кетиб, йўлда бир йўловчини уриб юбордим. Хуллас, иш судгача борди. Айбимга яраша муддат беришди. Муштипар хотиним, уч болам тақдир ҳукмига қолиб кетишди. Аламим зиёд бўлиб, ўзимни қўярга жой топмасдим. Тунлари болаларим кўз олдимга келиб йиғлаб чиқардим. Аммо, инсон ҳамма нарсага кўникаркан. Мен ҳам кўникдим. Бир тунда уйқум ўчиб кетди. Туриб ўтирмоқчи бўлгандим ёнимдаги кишининг шам ёқиб, ясириб кашта тикиб ўтирганига кўзим тушди. Ётган жойимда уни томоша қила бошладим. Охири ўзим ҳам қизиқиб қолдим. У яхши, сабрли киши эди. Ҳунарини менга эринмай ўргатди. Хотиним менга мато., ип, игналар олиб келиб берди. Аввалига кичик рўмолчалар, кейинчалик эса катталарини тика бошладим. Шеригим эса муддати тугаб чиқиб кетаркан, менга анча нарсасини қолдириб кетди. Мен кашталарни ҳамма ётганидан кейин шам ёруғида тикардим. Чунки, билиб қолишса рухсат беришмасди. Бу ҳунарим ўзимга ёқа бошлади.Аввалига ёнимдагиларга рўмолчалар тикиб бердим. Шерикларим уйдагилари учун ҳам буюртма бера бошлашди. Улар менга пул ҳам беришар, мен буларни бир амаллаб хотинимга жўнатардим. Шундай қилиб бу ишим бошлиқларимга ҳам маъқул бўла бошлади. Мен ишлаб чарчардиму, хонага келганимдан кейин дарров каштадўзликка тутинардим. Севимли ишим билан шуғулланарканман, юрагимни босиб ётган ҳасратларимни. Андуҳларимни унута бошлардим. Ҳаёт гўзал, яшаш кўнгилли бўла бошлади. Мана оғир кунлар тугади, бари ортда қолди. Оилам бағрига ҳам қайтдим. Аммо мен ҳунаримдан кеча олмадим. Бунга тақдиримдаги аччиқ қисмат сабабли бир ҳунарга меҳр қўйдим. Тўғри, аввалига устимдан кулганлар ҳам бўлди. Лекин, кулганларнинг ўзлари ҳам менга буюртмалар бера бошлашди. Вақтим кўп бўлсин, дея қоровулчиликка ишга кирдим. Мактабнинг нариги томонида турамиз. Топишим ёмон эмас. Чойшаб, ёстиқ жилди, дастурхону сочиқлар тикаяпман. Буюртмаларим етарли. Улар бу нарсаларни тўйларига, қизларнинг сепларига аташади. Ана шундай...- дея қўлидаги сочиқни тикиб тугатди-да, менга узатди.

- Шуни олинг, сизга совға бу, - деди. Уни қўлимга олиб ажойиб гулларини томоша қиларканман, қуёшнинг шакли кўпроқ диққатимни тортди. Уни жуда меҳр ва диққат билан тикилганлигига диққат қилдим.

- Шу ерига қуёш зарурмикан? - дедим эҳтиётлик билан. У эса:

- Мен уёқда қуёшни жуда кўп соғиндим. Ҳаётим зулматга чўмганди. Шу ҳунарга меҳр қўйганим мени асради. Тунлари, совуқ кечаларда кўз олдимга фақат порлаб турган қуёш келаверарди. Уни чиқишини ва ботишини тўйиб томоша қилишни орзу қилардим. Қуёшни йўқотишдан асрасин экан. Уни ҳар куни кўрмоқ қандай яхши. Ахир мен қуёшнинг ортидан келдим-да. У ёқдаги ҳаётимни қуёшсиз кунларга қиёслардим.

Шу орада директор ҳам келиб қолди. Мен ишимни битириб каштачи қоровул билан қуюқ хайрлашиб қайтдим.

- Дунёда қандай тақдирлар бор-а, - деб ўйлардим мактабдан қайтаётиб. Мана бу каштачи амакини қаранг. Қўли гул экан. Ваҳоланки, буни кўпчилик аёллар эплай олмайди.

Қиссадан ҳисса шуки, ҳар қайси даврда ҳам инсонларни ҳунар ҳамма нарсадан асрар экан. Ҳунари бор одамлар ҳеч қачон хор бўлишмайди. Буни кўп эшитгандим. Аммо, бугун яна бир бор бунга ишондим. "Ҳунар, ҳунардан бахтинг унар"- деган мақолнинг ҳикматини тушундим. Чиндан ҳам орамизда кўйлагининг этаги сўкилса тика олмайдиган, тугмаси узилса, қадай олмайдиган аёлларнинг борлиги ҳам сир эмас. Лекин, бошига турмушнинг шунча кўргуликлари тушган эркакнинг қалбига Оллоҳ қутилмаганда гул тикишдек бир ҳунарнинг ишқини солибди. Қаранг, эркак киши оила бошлиғи, тинчлигингизнинг ишончли посбони. Шердек наъра тортиб тоғларни ҳам ағдариш қудратига эга. Аммо, керак бўлса, қўлига игна олиб, аёллардан ҳам гўзал-гўзал кашталар тика олиши мумкин экан-да!

Бироқ, бир нарсани жуда истардимки, ҳунарни бошга бир ташвиш тушганда эмас, жуда ёшликдан, кўнгилдаги беғубор бир орзулар билан ўрганиш керак. Гулдек ҳунар эса, инсон ҳаётини гул бўлиб безайверарркан.

Басира САЙДАЛИЕВА

АЁЛНИНГ СИРЛИ ДУНЁСИ

Яхши суҳбатдош атирфурушга ўхшайди, гарчи у атридан бермаса ҳам, хушбўй ҳиди сенгача етиб туради.

Ҳадис

(Боши ўтган сонларда.)

Биз бировни соғинганда унинг қошу кўзи ва ё кийимларини эмас, балки овозини ҳамда шу овоз билан қулоқларга, юракларга ёқадиган қилиб айтган сўзларини соғинамиз. Кимни суйган бўлсак, сўзи учун шайдо бўлганмиз. Ким деб куйган бўлсак, сўзларининг хуморида адо бўлганмиз! Сўз мўъжизалар шоҳидир! У эгилмаганни эгдириб, эримаганни эритади. Сўз билан ёмон яхшига, номард мардга айланади. Ҳатто у билан инсонни ўлимдан олиб қолиш мумкин! Дунёда суҳбатдошига сўзни танлаб, териб айта билган одам энг бахтли одам! Ва у бошқаларни ҳам бахтиёр этувчидир!

Яхши суҳбат – малҳами тан, яхши суҳбат ороми жондир. Бир сўзлашув, фикрлашув дардида кишилар олис шаҳарлардан бир-бирларини излаб келадилар. Бир дилкаш одам дуч келса, уни тинглаб тонг оттирадилар, барибир тўймай қоладилар! Кишиларнинг кўзига муҳаббат билан боқиб, ихлос билан айтилган сўз тингловчининг дилида инқилоб ясай олади. Сўзни чиройли айтинг, биродар! Гоҳида "мен сўзга уста эмасман, зеру забар қўйиб айтолмайман" деган гапларни эшитамиз. Асло ундай деманг! Гапира оладиганки одамнинг ичида минг бир қават сўзи бор. Ҳар бир инсон — сўз сандиғи. Фақат рўпарангиздаги одамга қайси сўз мос келишини хушёрлик билан танласангиз бўлди! Аслида сўзни дилингиз танлайди, шунинг учун аввал дилингизни тўғриланг. Рўпарангиздаги одамни асло ёмон кўрманг. Гарчи у ёмон одам бўлса-да, яхши сўз билан юмшатишни ният қилиб туринг. Бу билан аввал ўзингиз ютасиз, биринчидан, юмшаган одам сизни "отиб" қўймайди. Иккинчидан, дил оғритишдай оғир гуноҳдан фориғ бўласиз.

Сўз айтишни билинг, биродар. "Ўтган кунлар" китобидаги Кумуш билан Отабекнинг бир суҳбати ҳали-ҳануз юмшоқ қаттиқ юракларни бирдай зилзилага солиб келади: Отабекнинг Тошкентдан уйланиши кераклиги қудаларга очдиочди бўлди. Шу сонияларда нариги хонада бу тўхтам Кумушбибига уқдирилмоқда. Бериги хонада эса Отабек бу гапни Кумуш қандай қабул қилишини тасаввур қилолмай, тиззаларига чўкканича, қўлидаги Фузулий девонини ҳам унутиб, муз қотиб ўтирибди. Унинг назарида дунё ҳозир чарҳпалакдай айланиб кетади, мана ҳозир унинг ичида бир нарса портлайди, бир нарса чил-чил синади! ... Шундай алфозда ўтирганида эшик ҳорғин очилди, мусаввирлар меҳр қўйиб чизган суратдай Кумуш кўринди. У аста келиб, этакларини майин шилдиратганча Отабекнинг қаршисига ҳаводай қўнди. Отабек уни охирги марта кўраётгандай, юзларига кўзи билан эмас, жони билан термулди. Маҳбубасининг юзи-ю қабоқлари йиғиндан кўпчиб кетган эди.

- «Ким йиғлатди сизни?

- Йиғлабманми?

- Кўзингиз, кипракингиз...

- Ўзи шунақа...»

Жавобни қаранг! "Ўзи шунақа" эмиш! Юракни сидириб соладиган жавоб бу! Отабекнинг дунёсини остин-устин қиладиган жавоб бу! Шу иккитагина сўзга осмонга етгулик доду фарёдлар чўкиб турибди! "Бундан кейин шундоқ қиёфада яшаш менга қисмат энди" дегани бу. "Сиз туфайли дийдаси гирёнлар сафига қўшилдим" дегани бу. "Юзимнинг офтоби сўнди, бундан буён мени кўз ёшларим денгизидан топаверасиз энди" дегани бу!

- Мен рози, мен кўндим,- деди дафъатан Кумуш, бу сўзни нимадандир қўрққандек шошилиб айтди...

Ахир Отабекдай ёрдан айро тушишга чидаб бўладимми?! Ахир киши ўз ризолиги билан ўз юрагини иргитиб ота биладими? Жон риштаси билан боғланган кишисини ўзга чимилдиққа ўз қўли билан кузата биладими?! ... Шу икки оғиз сўзни айтди-ю, Кумуш Отабек учун янада улуғлашди, бебаҳо малакка айланди! Айрилиқни-ю, кўз ёшларини ва шайтон васвасаларини сояда қолдириб, Кумуш қиёфасида юксалиб бораётган бу мавжудлик Кумуш эмас, МУҲАББАТ эди!

Бахт бу ҳақиқий муҳаббатдир, қолгани ўтаверсин деган хулоса чиқади бу суҳбатдан! Муҳаббат илмини ўқасан, ақл оласан бу суҳбатдан. Ўзингнинг жуда майда эканлигингдан хижолат чекасан, шайтоннинг ноғорасига рақсга тушиб, умринг ўтаётганини тан оласан!

Яхши суҳбат - тарбиячи, яхши суҳбатдош - Аллоҳнинг юборган неъмати. Уни бой берма, биродар, изидан туш, моддий машмашаларингни бир зум унут, унга қулоқ ос!

Олтмишинчи йилларни эслайман, ўйласам, улуғларни кўрган табарруклар бўлибмиз биз ҳам. Университетда таҳсил берган устозларимиз Озод Шарафиддинов, Умарали Норматовлардан умр бўйи миннатдор ўтяпмиз. Айнан шулар биз учун кўплаб учрашувлар ташкил этардилар. Раҳматли Гафур Ғуломнинг келишлари ҳар сафар байрам эди. У кишини ҳеч бош яланг кўрмаганмиз. Дўппиларининг бурчагини кенг пешоналарига тўғрилаб, қошларини ажиб чимириб турар эдилар. Тик қоматлари алгдай, қўллари-ю, юз суяклари йирик, овозлари ҳам наърали эди. У киши ҳақиқий Шарқ алломаси эди. Одамлар билан суҳбатлашиб туриб шеър тўқиб ташлар, ҳар бир жиддий гапни ҳам юморга ўраб айтар, суҳбатининг ҳар дақиқасида гурр этган кулги кўтарилиб турарди. Даврадаги ҳамма одам у кишини маҳлиёю мубтало бўлиб тинглар, суҳбатига кирганлар қушдай енгил бўлиб чиқардилар. Ҳар бир айтган сўзи ҳикмат эди, илм эди.

(Аллоҳ раҳмат қилсин!) Абдулла Қаҳҳорнинг иқлимлари яна бир бошқача эди. Ғафур ака қанчалик гулдурос билан кириб келса, Абдулла ака шунчалик сокин, жимлик билан келардилар. Минбарга чиққанларида гапларини эшитмай қолмайлик деб, нафас ютиб турардик. Паст оҳангда гапирар, ҳеч ҳаяжонланмас, ҳеч адашмас ва кўп сўзламас эдилар. Жумлалари минг бир ўйланган, обдон рандаланган, мўлжалга бехато урадиган бўларди. У киши бор жойда ҳамма ҳам юрак ютиб сўзга чиқолмасди. Бу ёғини сўрасангиз, анчайин қаламкашлар матбуотга шеър, ҳикоя беришга ҳамиша биздай журъат этмасдилар. "Абдулла ака кўриб қолса нима дер экан?" деган хижолатчилик турарди. Абдулла Қаҳҳор асл маънода ёшларнинг мураббийси, қаттиқ қўл устоз эдилар. Ҳар бир ижодкорни кузатиб борар, матбуот орқали қаддини кўтарар ва жуда ўринли қилиб қулоғидан аста чўзиб ҳам қўярдилар. Биз ҳамиша у кишининг суҳбатидан ўзимизни рентгенда кўргандай хатоларимизни топиб, ёзганларимиздан изза бўлиб чиқардик.

Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор, Мирзакалон Исмоилий сингари азиз сиймолар билан суҳбатларни айтмайсизми! Улардаги самимийлик, рангин санъат, фалсафа ва донолиқдан юракларимизнинг тубигача ёришиб кетарди. Ҳанузгача улардан нур олиб яшаётганимни ҳис қилиб тураман.

Аллоҳ умрларини зиёда қилсин деб тилаганимиз – Саид Аҳмад ака билан ҳар учрашув суҳбатдошларнинг бор ғуборини олади, дилинг яшнайди! Одамлар қай шаҳарлардан бу кишининг икки оғиз суҳбатига зор бўлиб келганлари келган. Бу одамда Ғафур Ғуломларнинг иқлимини кўравераман, худо тафаккурини ҳар бобда бикир қилган улуғлар булар!

Одамлар билан дардлашайлик, биродар. Ёнингдаги одамни астойдил юпатмоқчи бўлсанг, унинг дардини астойдил енгиллатаман десанг, Аллоҳ албатта тилингга керакли сўзни тўғрилаб туради! Одамлар билан яхшилар ҳақида суҳбатлашишга, уларга ибратли, ҳикматли гапларни етказишга чоғлан, биродар! Бориб-бориб шунақа ширин гапирадигани бўлиб қоласанки, сен билан ким суҳбат қурса, тузалиб кетаверади!

Онангни соғиндингми, онангни кўрганлар, билганлар билан гаплаш. Худди онангнинг ўзи келгандай ўтинг пасаяди. Юрагинг "отам"лаб қолдими, отанг юрган жойларга бор, тенгқурларининг суҳбатида бўл, ғафлатдан уйғонасан, қарзларинг эсингга тушади... Яхши сўз айтадиганларни қадрла, уларни эшитки, инсоннинг кўнгли фақат сўз билан ободдир.

(Давоми бор.)

Турсуной СОДИҚОВА

ОИЛА ФАРЁДИ

Муаззам МЕЛИЕВА
Республика "Оила" илмий-амалий маркази ходими, Тиббиёт фанлари номзоди

Бу воқеага бир йил бўлган бўлса ҳам ўша "Муқаддас аёл"дан ҳар куни кўнгироқ кутаман. У аёл менга ишомадими ёки «дардимни ошкор этганим билан ҳаётим ўзгариб қолмайди-ку», деб ўйладими, билмадим. Ҳар қалай менга телефон қилмади.

Аёлнинг дардли юзлари, қарашлари кўз олдимдан, айтган сўзлари эса қулоғимдан кетмайди. Эшитганларим бир йилдан бери менинг дардимга айланиб, тинчлик бермаяпти. У аёл 19 йил шунча дардни қандай кўтариб юрган экан. Беихтиёр ўша онанинг сабр-қаноати, бардоши учун бутун борлиқни унинг оёғи остига тўкиб ташлагим келади. Минг афсуски, у аёлнинг манзилини ҳам, исмини ҳам билмайман.

Ўша куни туғилиб ўсган юртимда ота-онам қабрларини зиёрат қилиб, ширин хаёллар билан оилам бағрига, пойтахтга қайтаётган эдим. Автобусга чиқсам бир аёлнинг ёнида жой бор экан. "Бўшми?" деб сўрадим, аёл бошини қимирлатиб, "Ҳа" деган ишорани қилди. Ёнига ўтирдим. Бирпасдан кейин у қаергача боришимни сўради, Тошкентга боришимни айтганимдан кейин: "Мен йўлда тушаман", деб жойимизни алмаштирди. Бир қараш-даёқ аёлнинг игнанинг устида ўтиргандай безовта эканлиги билиниб турарди. Бутун гавдасини олдинги суянчиққа ташлаганича йўлга термулиб борарди. Ҳамроҳимнинг кайфияти йўқлигини сезиб, автобус ойнасидан атрофни томоша қила бошладим. Хаёлга берилиб бораётган эканман, аёл тўсатдан: "Сиз Тошкентда каттароқ жойда ишлайсизми?" - деб сўради. "Нима эди?", дедим. Шунда у: "Тошкентга борсам, мени телевидение, радио орқали чиқишимга ёрдам бераоласизми?"- деди. Кулиб турганим-ча: "Қўшиқ айтасизми?"- деб сўрабман. Аёлнинг кўзларидан ўт чақнаб, дардли бир овоз билан: "Йўқ, мен қўшиқ айтмайман, лекин одамларга бор овозим билан ҳайқирмоқчиман... тақдиримнинг қайтарилишини, яна кимдир мендек қариндошлик қурбони бўлишини истамайман",- деди.

Қандайдир куч мени аёлнинг қўлини маҳкам қисиб, унинг бошини секин кўксимга тортишга мажбур этди. Мен аёлни бағримга босдим. У титрар эди. Лекин кўзлари ҳамон ўт чақнагандай, бир томчи ҳам ёш йўқ эди. Шу дақиқада нима учундир аёлнинг йиғлашини жуда-жуда хоҳладим. Аёл йиғламади. Мен секингина: "Қани ўзингизни босиб олиб, нима учун ҳайқирмоқчи эканлигингиз сабабини тушунтириб беринг-чи",- дедим. Аёл хўрсинганича гап бошди: "Урушдан кейинги даврда ота-онасидан етим қолган отам билан акаси (ҳозирги қайнотам) бошқа-бошқа туманларда, бири аммасининг иккинчиси холасининг қўлида катта бўлишган. Болаликда улар деярли бир-бирини кўришмаган. Оилали, бола-чақали бўлишгандан кейин топишиб, «бордикелди» қилишган. Мен етти ўғилдан кейин туғилган эрка қиз эдим. Отам биттаю битта қизим бегона бўлмасин, акам билан яна узоқлашиб-узилишиб кетмайлик, деб мени амакимнинг ўғлига эрга берди. Тўғриси, бошида амакимнинг ўғлини кўриб ўзим ҳам ёқтириб қолган эдим. У институтни тугатиб эндигина мактабда дарс бера бошлаган эди.

Тўйдан кейин фарзанд кўргунча мендан бахтли одам йўқ эди. Фарзандим туғилиб бир ёшдан ошгандан сўнг ҳаракатлари сусайиб, касалманд бўлиб қолди. У қатори болалар чопиб юрар, менинг ўғлим эса... Шифокорларга кўрсатсак, қариндош эканлигимизни эшитиб, бошларини сарак-сарак қилиб қимирлатишарди-ю дори-дармон ёзиб беришарди. Бу орада иккинчи ўғлим туғилди, ёш бола билан бўлиб, касалманд боламга унча эътибор бермадим. Унга қайнонам қарай бошлади, бор умидим иккинчи ўғлимдан эди. Минг афсуски, бу ўғлим ҳам худди шу дардга мубтало бўлган экан. Фарзандларимни даволатиш учун югуриб юрган кезларимда яна ҳомиладор бўлиб қолибман. Дўхтирларнинг бири: «Болани олдириб ташланг, бу ҳам ногирон бўлади», деса иккинчиси ноумид шайтон: «Балки қиз туғилса соғлом туғилар», дейишди. Хуллас, учинчи фарзандим ҳам мажруҳ бўлмасин, деб Самарқандга, Тошкентга олиб бориб текширтирдик. Дўхтирлар боламни соғлиги ҳақида аниқ бир фикр айтишмади, фақатгина "Вақт кўрсатади" дейишди. Ўша бешафқат вақт бу ўғлимнинг ҳам ногирон эканлигини кўрсатди. Дардимни кимга айтишни билмасдим. Ногирон болаларим учун ёрдам бериш қўлимдан келмас, тақдирга тан беришим керак эди. Болаларим кичиклигида ногиронлиги сезилмас, уларни кўтариб у ёқдан бу ёққа олиб қўйиш осон кечарди. Эрим, қайнона-қайнотам ёрдам беришарди... Йиллар ўтиб ота-онам ҳаётдан кўз юмишди. Қайнона-қайнотам қариб қолишди. Болаларим катта бўлишгани сари ташвишим ҳам ортиб борар, қийналар эдим. Булар етмагандек эрим ногирон болаларини кўриб, ёрдам беролмагани учунми, уйдан бош олиб чиқиб кетди. Вақт ўтиб бошқа биттасига уйланиб, бир қиз, бир ўғиллик бўлди. Худога шукр, ҳеч бўлмаганда унинг соғлом болалари бор. Мен Онаман, эримга ўхшаб болаларимни ташлаб кетолмайман. Ахир тўққиз ой юрагим остида кўтариб юриб, жоним оғриб туққанман-ку! Мана катта ўғлим 18 ёшда, бу тенгилар институтда ўқияпти ёки армия сафида хизматда. Менинг болаларим эса овқатини ўзи ея олмайди, кийимини кийолмайди, ташқарига чиқишини айтмасам ҳам бўлади".

Она шунда бир дард билан гапирарди-ки, мен шифокор бўлганим учун, унинг фарзандларида "Кучаювчи мушак дистрофияси" касаллиги, туғма ногирон эканлиги ва бунинг охир-оқибатини ўйлаб, аёлга қараб эзилиб кетдим. Бирор бир тиббиёт ходими ҳам бу болалар дардига шифо беролмаслиги, онанинг оғирини енгил қилолмаслигини билиб туриб қийналардим. Буни Онанинг ўзи ҳам билса керак-ки у радио, ойнаи-жаҳон орқали бор овози билан ҳайқиргиси, болалар ногиронлигининг олдини олгиси, ана шундай нохушликка сабаб бўлган қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳларга барҳам бергиси келибди.

Аёл гап билан бўлиб, мен эса унинг дардларини тинглаб, манзилига етиб келганимизни билмай қолибмиз. Аёл: "Вой, мен ўлай, ўтиб кетишимга оз қолибди-ку, ҳайдовчи тўхтатиб юборинг",- деганича, шошиб ўрнидан туриб, автобус эшиги томонга югурди. Мен шошиб бир парча қоғозга телефон рақамим, исми-шарифимни ёзиб, қўлига тутқаздим. Орқасидан: "Мен болалар шифокориман, балким болаларингизга даволиншу учун ёрдамим тегар", деганча қолавердим. Аёл эса автобусдан тушиб, югуриб кетди. Менга бир қайрилиб ҳам қарамади. Гўёки унинг учун фақат ўша учта ногирон боласи бир дунёю у ўша дунёсига, ҳар куни одат бўлиб қолган ташвишлари сари отилиб кетиб борарди.

Аёлни туширириб қолдирган автобус яна ўз йўлида давом этди. Менинг хаёлларим эса ҳамон ўша аёлда эди. Унга: "Фарзандларингизга ўхшаш ногирон болаларни қабул қилиб, даволаш билан бирга ўқитадиган меҳрибонлик уйлари бор. Шуларга жойлаштирсангиз оғирингиз енгил бўлармиди?" деганим, шунда аёл менга шундай ёмон қарганини кўз олдимга келтирдим. Нигоҳларидан мен шуларни уқдим: "Фарзандларимни ногирон қилиб дунёга келтирган мен, дардига шифо бера олмайман. берадиган нарсам битта Она меҳри, уларни шундан ҳам бебаҳра қилайми? Йўқ, мен бундай қила олмайман". Унинг бу жавобидан аъзои-баданим титраб кетди. Аёлга нисбатан меҳрим ошди.

Мен қариндошлик қурбони бўлган битта тақдирга дуч келдим. Бунга ўхшаш тақдирлар қанча? Қанчаси болаларини меҳрибонлик уйига жойлаштириб, тинчгина яшаб юрибди? Бу аёлдаги жасорат, сабр-қаноат, бардош, яхшилик фақатгина унинг ўзига хосдай.

Одатда аёллар озгина қийналишса кўз ёши тўкади ёки кимнидир қарғаб-қарғаб хуморидан чиқади, ҳаттоки кимдандир ўч олишга ҳаракат қилади. У эса фарзанди туғилгунча қадар бахтли яшаган бир йил эвазига, 19 йилдан бери шунча қийинчиликка чидаб, сабр-қаноат қилиб келаркан. Аёлнинг тақдирига сабаб бўлган ота-онаси шаънига ҳам, ногирон болалари билан ташлаб кетган эри шаънига ҳам бирор ёмон сўз айтмади. Эрининг бошқа аёлдан бир қиз, бир ўғли борлигига шукрона айтди. Ҳаттоки ўша радио ва ойнаи-жаҳон орқали бор овозда ҳайқирмоқчилигида ҳам холисона яхшилик бор — яна кимнидир тақдирини ўзиникига ўхшашини, яна кимнидир қариндошлик қурбони бўлишини истамасди.

Юраги дардга тўла, ногирон болаларининг қийнаётганини ҳар кўрганда бир ўлиб, бир тирилаётган "Муқаддас аёл"ҳақида ўйлар эканман, арзимас сабаблар учун боласини ғўдаклар уйига ташлаб кетаётган, оиласидан ажрашаётган аёлларга, бир лаҳзалик кайфу сафо учун шармандаликка бораётган хотин-қизларимизга қарата мен ҳам: "Тўхтанг! Бу йўлдан қайтинг", деб ҳайқиргим, ўша "Муқаддас аёл"дан озгина бўлса-да, сабр-қаноат, бардош ва яхшилик уруғини олинг", - дегим келди.



ЕГАНИН ОШ ДЕМАНГ, ЁЛГИЗ АЁЛНИНГ...

Еганин ош деманг ёлғиз аёлнинг,
Шайтон товоғига қўлин солади.

Охунжон Мадалиев томонидан айтиладиган бу қўшиқни тинглар эканман, қишлоғимизда яшаётган Маҳбуба опа ёдимга тушадилар. Очиққўнгил, қувноқ, самимий, меҳнатсевар, сабр-тоқатли ва матонатли аёл Маҳбуба опа тўрт фарзандни бир ўзлари ўстирдилар. Турмуш ўртоқлари Абдулла ака (жойлари жаннатда бўлсин) бахтсиз ҳодиса туфайли бу дунёдан эрта кетди. У киши ҳам ажойиб инсон эди. Улар жуда иноқ яшашарди. Уч ўғил ва бир қизлари отадан жуда ёш қолди. Энг кичкина ўғиллари Фурқатжон эмизикли эди. Маҳбуба опага бу мудҳиш воқеа қаттиқ зарба бўлган. Қанча оҳ-воҳ, қанчалар қон йиғлаш, жуда аянчли йўқотиш. Лекин айтишади-ку: «Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ойдин», деб. Йиллар кетидан йиллар, ойлар кетидан ойлар ўтди.

Бир куни пахта теримида опа билан суҳбатлашиб қолдик. Опа бошларидан ўтганларни гапириб бердилар:" Эҳ, келин бу бошим нималарни кўрмади дейсиз. Болаларим жуда ёш эди. Бир қоп унни судраб жойига зўрға элтиб қўярдим. Мана энди эса ўғилларим бир қўли билан бажаради бунақа ишларни"... Маҳбуба опа кўзларидаги ёшларни зўрға тўхтатиб сўзлайдилар. Албатта бу севинч ёшлари. Иккала ўғиллари ҳам ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб қайтишди. Кўз тегмасин ўғиллари ақлли ва ўктам йигитлар бўлишган. Қизи ўқитувчи. Кенжа ўғиллари Фурқатжон мактабга боради. Яқинда Маҳбуба опа катта ўғилларига келин унаштирдилар.

Мана энди барча азоблари ортда қолди. Илоҳим бундан кейинги ҳаётлари тинч, осуда ва қувончли ўтсин. Фарзандлари бахтини, иқболини кўриб юрсинлар. Доимо соғу саломат юринг, Маҳбуба опа.

Махсуда КЕЛДИЕВА
Зарафшон шаҳри

ИҒВОЛАРДАН УСТУН КЕЛИБ...

Тўкин, бадавлат оилада туғилиб ўсган дугонам бор эди. Камтарона оилага келин бўлиб тушди. Кўника олмай икки-уч фарзандли бўлгунча ҳам уйига қайтиб келарди. Ҳар келганида онаси қизини қойиб, ўзи уйига олиб бориб қўярди. Ана шунинг оқибатида дугонам оиласи билан яхши яшаб кетди.

Отам ўттиз йил давомида раҳбар бўлиб ишлаган. Раҳбар лавозимида ишлаганлар тўғрисида миш-мишлар, ҳар хил гап-сўзлар кўп бўлади. Онамга ҳам шунақа бўлмағур гапларни етказиб келувчилар кўп бўлган. Ҳаттоки фалон аёл билан кўрдим, деб гап етказиб келувчилар кўпайиб қолганда, онам ҳам аёл эмасми, гап-сўзларга ишониб, отам билан ажрашмоқчи ҳам бўлган. Шунда онамнинг оналари — Рисбика момо қаттиқ қойиганлар: "Сен ўзингни эмас, болаларингни ўйла, эрингнинг обрўсини ўйла, ажрашганинг билан гап-сўздан устун бўла олмайсан, қайтанга ана шу иғвогарларга оёқости бўласан..."

Оила сақлаб қолинди. Гап-сўзлар ўтиб кетди. Энам ҳар доим онамга эркак кишига тўғаноқ бўлмасликни тайинлаб, бўлмаса ишининг баракаси қочишини тушунтириб қулоғига қуяркан. Ҳақиқатан ҳам онамнинг отамни тергаганини ҳеч қачон кўрмаганман. Ишхонасига ҳам деярли қўнгироқ қилмасди. Ярим тунда келган пайтларида ҳам "Қаерга бордингиз, ким билан бордингиз", деганларини ҳеч қачон эслай олмайман.

Отам вафотидан олдин, онамга шундай миннатдорчилик сўзларини айтганки, онам ҳар сафар йиғлаб, юрагида қувонч, фахр туйғуси билан эслайдилар. Отамнинг сўнгги нафасдаги дил иқрори онамнинг садоқати, ҳар қандай оғир дамда ҳам оила шаънини сақлаб қолишга интилганлари учун олган юксак мукофоти бўлса ажаб эмас.

ЗУЛАЙХОБОНУ
Қорақалпоғистон

ҲАММАСИ ТАРБИЯГА БОҒЛИК

«Қорнингни ёп, қизгина»—15-сон

Бугун ўзбек қизларимизнинг кийиниш маданияти, ўзларини тутиши ташвишлантиради кишини. Бу масалада ёшларга ота-оналар, педагог, шифокор, мода мутахассисларининг ишончли ва таъсирли маслаҳатлари лозимга ўхшайди. Акс ҳолда, бу кетишда ёшларимиз эл-юрт, миллат, маънавият мезонларини четга суриб, анови бир парча матоларни ҳам улоқтиришлари ҳеч гап эмас.

Муҳаммадали ИМИНОВ

Муҳаммад Иминовнинг ушбу мақоласини ўқиб, менинг кўнглимдаги мавзу бўлибди, деган гап ўтди хаёлимдан.

Ўзбек оиласи доимо маданиятли, ориятли, иффатли бўлиб, ориятва номусни юқори қўйган. Ўзбек фарзанди доимо одобли, аҳлоқли, ота ва онага доимо ҳурматда бўлиб келган...

Афсус, айниқса, ёшларимиз онгида, ҳаётга ўзгача қараш-лар пайдо бўлмоқда. Хусусан, кийиниш, муомала маданиятида бу ҳол яққол сезилмоқда. Бунда мен асосий ургуни қизларга қаратмоқчиман. Нега десангиз, ўзбек қизлари миллатимиз чиройи, миллатимиз кўриниши...

Лекин, уларнинг ярим очиқ ҳолатда юришини, ярашмаган, "маданиятли" кийинишлари, ўзларини тутишларию муомалаларини кўриб: "Булар бизнинг ўзбек қизлари", дейишга уяласан киши.

Тўғри, замонамиз ривожланиб, турмуш тарзимиз яхшиланиб, маданият тараққий этиб бораётган бир вақтда менинг бу гапларим кимларгадир эриш туюлиши мумкин. Аммо ҳар нарсанинг ҳам меъёри, мезони бор.

Қандай ва қанақа бўлишидан қатъий назар, ўзингизга ярашган ҳар қандай кийим ёки мато бу - сиз учун ҳақиқий "мода". Ҳатто, оддий муомала маданиятимизда ҳам "мода" пайдо бўлиб бораяпти. Соф ўзбек тилида гаплашишни камдан кам эшитадиган бўлиб қолдик. Айниқса, ёшларимиз орасида "аралаш" тил яққол сезилиб бораяпти. Бу алоҳида қаламга олинадиган мавзу.

Масалан, мода ҳақида гапирадиган бўлсак, мода бирор янгиликнинг урф бўлиши, деб тушунаман. Лекин, урф бўлиш дегани, ҳар қанақаси бўлаверади дегани эмаску ахир?!. Дейлик, бирор кийимни кийиш урф бўлди. Кимгадир бу кийим ярашади, кимгадир йўқ. Лекин, ярашмаса ҳам кияверишмас, кечирасиз-у, бу "модапараст"нинг иши.

Мақола муаллифининг куюнганича бор. Агар шундай салбий ҳолатлар рўй бераверса, албатта, эрта уларни кийимсиз юрмайди деб, ким кафолат беради.

Ёшларимизнинг бундай кўринишда юришига асосий масъулият ота-она бўйнида. Нега қизимиз ярим очиқ ҳолда кўчага чиқса ёки мактабга борса индамаймиз? Отаси-чи, отаси кўрмаяпти дейсизми? Онаси қизидаги ўзгаришни сезмайди дейсизми? Кўришади, сезишади, лекин таъсир ўтказиша олмайдилар. Тарбия қанча эрта берилса, меваси шунча тез пишади. Тарбия бериш учун аввало тарбиячининг ўзи тарбияли бўлмоғи даркор. Яна мени ҳайрон қолдирадиган жиҳатлардан бири, йигитларимизда ор-номуснинг, ориятнинг ўзбекона ҳаёнинг кучлилиги. Бир ўйлаб кўринг, йигитларимиз ҳатто ёз ойларида ҳам албатта енгли кўйлак, шим кийиб юрадилар.

Ҳатто енгсиз майка кийиб юрганларини ҳам кам кўрасиз. Ваҳоланки, азамат, паҳлавон йигитларимизга кийим ярашаверади. Лекин, бизнинг йигитлар ярашганидан нарига ўтмайдилар. Қизларимиз йигитлардан ибрат олишса арзийди.

Миршод Каттақўрғон шаҳрида жойлашган - "01877" - ҳарбий қисмда оддий аскарликдан бўлинма бошлиғи, сержант унвони - махсус ўқув курсини тугаллади. Миршод ҳарбий қисмда шундай хавас ва қоида билан хизмат қилиб, сафдошлари бошлиқлари ўртасида катта хурматга сазовор бўлганлигини, қўлидаги бир неча ташаккурномалари бугун Розия опа армон билан эслаб, йиғлаб гапириб бераётганлари бежиз эмас экан. Қонунда- "ёлғиз ўғил хизматга олинмайди", деб кўрсатилган, лекин Миршод ўз хоҳиши билан борди. Борганда ҳам матонат билан хизмат қилди, нияти ҳуқуқ-тарғибот хизматига ўтиб ишлаш эди.

Ҳарбийдаги қисқа ҳаётида у мақсадига эришди. Ундаги ҳарбий садоқатни сезиб келаётган раҳбарлари тавсияси билан кейинги хизматини Самарқанд ҳарбий гарнизони прокуратурасига ўташ учун юборди. Ҳарбий прокуратурада иш юритувчи, сержант бўлинма бошлиғи Миршод Иргашев қаттиқ ҳарбий интизоми билан, бошлиқлари томонидан буюрилган ҳар қандай топшириқни яхши ва аъло даражада бажарарди.

2001 йил 5-март куни содир бўлган мудҳиш воқеа уни орамиздан олиб кетди. Шу куни бир неча соатга, отаонасини кўриб келиш ниятида йўлга отланиб, Самарқанд шаҳрининг Ибн Сино кўчаси четида, ўз машинасининг техник ҳолатини кўриб турган бир пайтда, тўғрисидан келаётган енгил машина ҳайдовчиси ўз мувозанатини йўқотиб, Миршоджонни уриб юборибди, натижада қаттиқ тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилди. унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун шифокорлардан тортиб, оддий аскарларгача оёққа турди-ю, аммо...

Шу касофатни содир этган нобакор ҳайдовчи, спиртли ичимлик ичиб, эхтиётсизлик оқибатида гулдай йигитнинг умрига зомин бўлди.

Ўлимидан 2 кун кейин Миршоджонни унаштириш тўйи мўлжалланган эди, афсус қизнинг юрагида бу армон бир умрга мангуга муҳрланди.

Ҳа, бугун Миршоджон орамизда йўқ. Лекин у сўнгги дамларида хизмат қилган Самарқанд гарнизони ҳарбий прокуратура жамоаси китобида шахсий таркибида, унинг номи абадий ёзилган. Гарнизон ҳарбий прокурори Бахтиёр Миржамхмудов бошчилигидаги шахсий таркиб уни унутганлари йўқ. Унутмайдилар ҳам.

Дилшод ШАКАРОВ
Самарқанд шаҳри

СОҒИНДИМ ЯГОНАМ, ВАЗИРА ҚИЗИМ!...

Оиламиз учун, мен учун 2002 йил 21 октябр энг машъум, қаро кун бўлди. Ягона қизим Вазирахондан жудо бўлдик. Эндигина мустақил ҳаёт оғушига қадам қўяётган бир пайтда — 19 ёшида бизни ташлаб кетди. Бу йўқотиш ўрнини ҳеч қачон, ҳеч қандай нарса тўлдира олмаслигини, бу Оллоҳнинг иродаси эканлигини тушуниб турсам-да, ҳамон ўзимга кела олмайман, унинг йўқлигини ҳеч тасаввур қила олмайман.

У дунёга келган кун мени нақадар хурсанд, бахтиёр бўлганлигимни билсангиз эди! Ҳамон кўз ўнгимда... Ўша куни турмуш ўртоғимнинг "дарди" тутиб, "тиббий тез ёрдам" машинасида туғруқхонага олиб бордим. Тунги соат 12 лар чамаси эди. Сабрсизлик билан кутиб, тонг оттирдим. Бир пайт ҳамшира эшикни очиб: "Кўчқоров ким?",- деб сўради. "Тинчликми?",- дедим ўтирган ўрнимдан сакраб туриб. У худди айб иш қилиб қўйиб, ота-онасининг кўзига тик қарай олмаётган боладек, ҳазин овоз билан "Ака, сизники қиз бўлди",- деди. Мен унинг фақат "қиз" деган сўзини эшитдим, холос. Худога шукр, ҳайрият, мен ҳам қизлик бўлдим",- деб оламга жар солгудек хурсанд бўлдим. Ўзимга келгач, ҳамшира ва врачларга миннатдорчилик билдирдим. Ҳамширанинг чеҳраси очилиб, юзида кулгу пайдо бўлди: "Ака, сиз фарзандингиз қиз бўлганлигидан бошингиз осмонга еткудек мамнун бўляпсиз, айрим акаларимиз аёллари қиз кўрса, уларнинг холидан хабар ҳам олишмай қўяди", - деди. "Эй, сингилжон, беш қўл баробар эмас, қизни ҳам, ўғилни ҳам худо беради, берганига шукр келтириш керак, "тирноққа" зор бўлганлар озмунчами бу дунёда, бу менинг биринчи қизим, ўғиллар қаторида қизли бўламан-у хурсанд бўлмайманми?"- дедим.

ХОТИРА — МУҚАДДАС

Мен уни еру кўкка ишонмасдим, ҳатто тунлари йиғлаб қолса, ўзим қарардим, аяси ухлата олмаса, ўзим алла айтгандек хиргойи қилсам, пишиллаб ухлаб қолар, инжиқлик қилса, қўлимга олиб, бағримга босишим билан тинчланиб қолар эди. Қалбимни тўлқинлантирувчи хотиралар кино тасмасидек кўз ўнгимдан ўтади. Шу бугунгидек ёдимдан чиқмайди, баъзан болалик чоғида, тиллари бийрон-бийрон бўлган пайт, жажжи қўллари билан икки юзимни кафтлари орасига олиб, бор кучи билан сиқиб, ғижиниб "вой дадажоним-ей, сизни соғинсам нима қилай? Пахта қантим қиламан-да", деб бўйнимга осилиб, маҳкам қучоқлаб, анчагача қўйиб юбормас эди.

Оилада ёлғиз қиз бўлганлиги учунми, ёки қиз бола отасига меҳрибон бўлади", деган нақлда ҳам бир ҳикмат борми, менга нисбатан жуда меҳрибон, ширин сўз, далкаш қиз бўлди. У оғир-босиқ, камтар, бироз одамови эди. Ота-бола кўп ишларни бамаслаҳат қилар эдик, фикрларимиз кўпинча бир ердан чиқар, менга ортиқча хархаша ҳам қилмас, борига шукр қилар, бирон нарса керак бўлса, маслаҳат солар эди. Ҳадеб тўй-ҳашамларга боришни ҳам кўпам хуш кўрмас эди. Агар бироз тобим қочиб ётиб қолсам, бошимда гирдикапалак бўлиб кетар, ўзини кўярга жой тополмас, ишдан келсам, кўрпача устига кўрпача солиб, орқамга ёстиқлар қўйиб, дарров қўлимга бир пиёла иссиқ чой тутқазар, сўнг: "Қандай овқат қилиб берай, дадажон", деб сўрар эди. Яхшигина пазанда эди.

Қандай бахтли дамлар экан-а ўша кунлар, уни кўрсам хафагарчилигим ҳам тарқаб кетар, чарчоғим унутилар эди. Ҳатто кап-катта қиз бўлиб қолса ҳам "дурдона қизим, бир дона қизим, асал қизим", деб эркалатар, у бўлса ака-укаларига қараб, кўриб қўйинглар дегандек ширин табассум қилиб қўяр эди.

Қизгинам, сен менинг таваллуд топган куним муносабати билан совға қилган қўл соати ҳамон ишлаб турибди, унинг "чиқчиқ" қилиб, сенинг умрингни сўнгги дақиқаларини ҳисоблаётганлигини хаёлимга ҳам келтирмабман, наҳотки сен ушбу соатни умринг ниҳояси сифатида, дадажонимга мени эслатиб турсин деб совға қилган бўлсанг.

Альбомингни варақлаб суратларингга термуламан, тирикдек кулиб турибсан. Сўнгги пайтларда кўплаб суратга тушганлигинг умрингни тугаётганидан нишонамиди!? Эсдаликлар қолдирмоқчи бўлганмидинг-а? Суратлар орасида иккаламизнинг бирга тушган суратимиз йўқлигидан минг бор афсусдаман!

Вазирахон! Она қизим! Мана бугун яна қабринг теграсида волидаи меҳрибонинг, ака-укаларинг, қариндош-уруғлар Сенинг ҳаққингга қурён тиловат қилиб, жойларинг жаннатда, охиратларинг обод бўлишини, қоронғи қабринг нурларга тўлишини Оллоҳдан илтижо қилмоқдамиз. Қабринг узра қўйилган, сен яхши кўрган алвон гулларга қараб, сенинг чиройли табассуминг, порлаб турган кўзларингни, сенинг ширин сўзларингни эшитгандек бўламан...

Умринг қисқа экан қизалоғим, энди сен йўқсан, сенинг кулишингни, сўзларингни эшитишга, босган изларингга зорман, юрагимни дард-алам кемирмоқда, ушалмаган орзу-умидларинг хазон бўлди. Баҳорим на фақат кузга, балки қишга айланди. Армонлар бағримга сиғмайди.

Баъзан деразага беихтиёр қарайман, у келаётгандек, эшикни очиб, одатдагидек: "Ассалому алайкум, дадажон, мен келдим", дегандек бўлади. Ҳамон кўз ёшларим тийилмайди, уйдаги барча нарса уни эслатади, ўйлатади, йиғлатади.

Қиз боланинг бори яхши экан. Яқинда бир танишим оламдан ўтди, жанозасига бордим, "дадам"лаб йиғлаб турган қизларининг овозларини эшитиб, кўнглим бузилди, беихтиёр кўзларим ёшга тўлди. Менинг-чи? Менинг "дадажоним" деб йиғлагувчим йўқ, даврани "гуллатувчи", "дурдона қизим" йўқ, менинг дастёрим, меҳрибон қизим йўқ...

Яратган эгамга керак экан, ўзи берди, ўзи қайтариб олди, аммо инсон эканмиз, кўникиш жуда-жуда қийин экан. Ҳа, тангри-таоло фарзандлар умрини узоқ қилсин, бахтли-тахтли қилсин, ҳеч бир инсон "болам" деб йиғламасин, унинг доғини кўрмасин, улар ҳар вақт ота-оналаридан кейин қолсин...

Суратингга термуламан тўймайман,
Кўз ёшларим ювар юзим, билмайман.
Сўзлашгайман, овозингга мен зорман.
Соғиндим ягонам, Вазира қизим,
Сени унутолмам, сўнгган юлдузим.

Изларингни қидираман йўллардан,
Сен мевасин узиб еган боғлардан,
Атиргуллар терган чаман-гулзордан.
Соғиндим ягонам, Вазира қизим,
Сени унутолмам, сўнгган юлдузим.

Қабринг узра сочларингни силайман,
Кулиб турган кўзларингни кўргайман,
"Булоқ" янглиғ кулишингни сезгайман.
Соғиндим ягонам, Вазира қизим,
Сени унутолмам, сўнган юлдузим.

Менинг чун тор бўлди чексиз коинот,
Сендан хотиралар ёд қолди фақат,
Руҳинг яшар менинг қалбимда ҳар вақт.
Соғиндим ягонам, Вазира қизим,
Сени унутолмам, сўнган юлдузим.

Эй тангрим! Фарзандлар завол топмасин!
Менингдек қизининг доғин кўрмасин,
Ҳар инсон "болам" деб кўз ёш тўкмасин.
Соғиндим ягонам, Вазира қизим,
Сени унутолмам, сўнган юлдузим.

Маҳаматсодиқ ҚЎЧҚОРОВ
Андижон вилояти,
Булоқбоши тумани,
Найман қишлоғи

ЯККАЮ ЁЛҒИЗ АКАЖОНИМДАН АЙРИЛДИК

2003 йил бизнинг оила аъзоларимиз бошига оғир кун тушди. Биз оилада ўнта қиз ва биттагина Шавкат акажоним бор эдилар. Худойи таоло бизга шу акамни кўп кўрди, меҳрибон акажонимдан айрилдик, 4-январ куни оғир дард акажонимни орамиздан олиб кетди.

"Оила ва жамият" газетасини Ҳусния ва Ирода қизларига ўқиб берар эди. Мен акажоним сабабли икки йилдан бери шу газетани ўқиб келаман. Онажоним ва Отажонимга роса қийин бўлди. Ҳеч кимнинг бошига фарзанд доғидай оғир дард тушмасин. Онажоним ва Отажонимга соғлик, янгажонимга сабр-қаноат, қизлари Ҳусния ва Иродаларга бахт-саодат тилайман.

Шавкат акажонимнинг руҳлари шод, жойлари жаннатда бўлсин, қабрлари нурга тўлсин.

Раъно НУРАЛИЕВА
Термиз шаҳри

МЕҲРИБОНИМНИ ЭСЛАБ

Менинг дадажоним Ҳўжа Асадов каттаю кичикка бирдай меҳрибон, камтар, камсуқум инсон эдилар. У киши Когондаги темир йўл идорасида 30 йилдан ошиқроқ ҳалол меҳнат қилиб обрў-эътибор тўпдилар. 8 фарзандни тарбиялаб вояга етказдилар. Шулардан 4 қиз ва 1 ўғилни тўйларини кўриб, уйли-жойли қилдилар. Афсуски, орзулари ушалиб-ушалмай, шафқатсиз ўлим дадажонимни орамиздан жуда эрта олиб кетди. (жойлари жаннатда бўлсин). Ҳозир ҳаёт бўлганларида 66 баҳорни қаршилаган бўлардилар. Оллоҳим дадажонимнинг яшай олмаган умрларини меҳрибонажонимга берсин илоҳим.

Дадажонимиздан ажралганимизга 4 йил тўлди. Шу муносабат билан рухларини шод этиш ниятида сизларга мактуб йўлладим. Шу дил сўзларимни газетангиз орқали баён этишингизни илтимос қилиб қоламан. Дадажон, сиз биз учун ҳамиша ҳаётсиз, сизнинг босган изларингизни кўзга суртиб яшаяпмиз. Илоҳим жойингиз жаннатда бўлсин. Бизни қўллаб юринг дадажон.

Руқия АСАДОВА
Бухоро вилояти
Когон тумани
А.Темур ж/х
Уба-чўли қ/қ

ТУҒИЛГАН ЎҒИЛ БОЛА... ХОМИЛАДОР ЭДИ

Молдавиянинг Саранск шаҳрида истиқомат қилувчи, 28 ёшли Ирина В. вақти-соати етиб ўғил фарзанд кўрди. Унга Данила деб исм қўйди. Лекин чақалоқнинг бошқа болаларга ўхшамайдиган жиҳати шифокорларни шошириб қўйди, яъни негадир қоринчаси жуда катта эди. Сабабини аниқлаш учун она-бола кўрикдан ўтказилганда, боланинг қорнида ғайритабиий шиш борлиги маълум бўлди. Лекин шифокорлар маслаҳатлашиб, операция қилишдан олдин озроқ муддат давомида назорат қилишга қарор қилишди. Бир неча кун ўтиб, Даниланинг онаси хавотир билан боласининг қорни кундан кунга катталашаётганлигини айтди. Кутишга ҳожат қолмаганди. Тезда операция қилишди ва яна ҳайратга тушишди. Бу сафар шифокорларни ҳайратлантирган нарса Даниланинг қорнида ўсаётган тирик эмбрион бўлди. Эмбрион Данила онасининг қорнидалигида ўсмай, туғилганидан сўнг жуда тез ўса бошлаган. Эмбрион ўз киндиги орқали озиқланган. Даниланинг қорнидан олинган эмбрионнинг қўл, оёғи ва негадир... думи бўлиб, оғирлиги 102 грамм, бўйи 13 сантиметр эди. Бундай ҳолатни шифокорлар биринчи марта кўраётганликлари учун лол қолишди. Уларнинг фикрича, она қорнида аслида эгизаклар ривожлана бошлаган бўлиб, Данила жуда кичик пайтида ўз акаси ёки укасини ютиб юборган бўлиши мумкин экан. Болакай ўз бошидан жуда оғир операцияни ўтказди. Эмбрионни Молдавия давлат медицина университетининг анатомия кафедрасига беришди.

Ҳозир Данила тузалаяпти. УЗИ ва бошқа текширувларнинг натижасига кўра, у меъёрида ва соғлом бўлиб, барча болалар сингари ҳаёт кечиради.

ЭНДИ АЛОҲИДА ЯШАШАЯПТИ ЗИТА ВА ГИТА

Москвадаги Филатов касалхонасида шифокорлар 11 ёшли Сиам эгизаклари Зита ва Гитани бир-биридан ажратиш операциясини амалга оширдилар.

Операцияни тажрибали жаррох Александр Разумовский 8 соат давомида амалга оширди. Операцияга эгизакларни бир ярим ой мобайнида тайёрлашди. Қизчаларнинг кўпгина органлари битта бўлиб ҳар иккала тананинг фаолиятига таъсири кучли эди. Масалан: иккаласидаги 3 та оёқ, иккита буйракни, бошқа органларни ҳам жуда усталик билан ажратиш керак эди. Ундан ташқари, қизларнинг характерлари ҳар хил бўлиб, бири ювош бўлган бир пайтда, иккинчиси жуда шаддодроқ эди. Ҳуллас шифокорлар томонидан бажарилган ўта маъсулиятли операция натижасида қизчалар бир-бировларидан ажратилди. Уларнинг соғлиқлари аста-секин яхшиланаяпти. Оғриқлари босилиб, оғриқ қолдирувчи дориларни қабул қилиш ҳам ортда қолди. Ҳозирча уларнинг олдиларга ҳеч кимни кўйишмаяпти. Қизчалар аввало тузалишлари, қолаверса, алоҳида-алоҳида яшашига ўрганишлари керак. Қизчалар ҳар хил қизиқарли китобларни ўқишни, телеэкран орқали мультфильмлар, эртаклар кўришни жуда яхши кўришади. Ундан ташқари, ҳар иккаласи ҳам тўла-тўкис туғилган болалардек алоҳида ҳаёт кечиришни жудаям орзу қилишган. Эгизаклар ўтган даврда юришни билмаганлар. Энди эса ҳассалар ёрдамида протез оёқларда юришни ўтганиб олишлари керак.

ФАЛОКАТ ЁРДАМ БЕРДИ

37 ёшли Кристина Ванн Мюньхен яқинида рўй берган темир йўл изидаги фалокатда жароҳат олди. Унинг эшитиш қобилияти йўқолди. Бироқ бу унга ёрдам ҳам берди. Негаки, мюньхенлик шифокор Ганс Шинтцернинг муолажаси туфайли у яна эшитадиган, эшитганда ҳам зўр эшитадиган бўлди. Аммо барибир унга қийин бўлди. Чунки кўпинча у қулоғига мослама тақиб юриши керак. Йўқса, ишда шивирлашиб гаплашаётган ҳамхоналарининг, ҳатто қўшни хонада сухбатлашаётганларнинг ҳам товушини англай олади. 15-20 метр масофада туриб электрон соатнинг юришини эшитиши одамни ҳайратга солади. Кристина ҳатто майсанинг ўсиш давридаги ҳаракатини ҳам англайдиган бўлиб қолган.



ПИПЕТКАДАН ҲАЁТ

Англиянинг Тайн-и-Узр деб номланган жойида истиқомат қилувчи Анна Бейтс исмли аёл туғиш муддатига ҳали 6 ҳафта қолганида тасодифан туғиб қўйибди. Грег деб исм қўйган ўғлининг оғирлиги 280 грамм бўлиб, медицина нуқтаи назарида умуман яшаши мумкин эмас экан. Альберт Джексон исмли шифокор эса, нима қилиб бўлса ҳам боланинг ҳаётини сақлаб қолишга қаттиқ киришибди. Дастлабки 48 соат давомида чақалоқни пипетка орқали қайноқ сув, глюкоза ва озроқ бренди аралашмаси билан овқатлантирибди. Сўнг сал ўзини ўнглаб олган чақалоқни онаси ўз сути билан боқа бошлади. Ҳозир Грег 8 ойлик бўлди. Соғлиғи яхши ва меъёрида ўсаяпти. Эндиликда пипетканинг унга кераги йўқ, мазза қилиб онасини эмишни аллақачон ўрганиб олган.

ЎЛГАНИДАН СЎНГ...

Руминиянинг Оптений деб номланган жойида истиқомат қилувчи "Лўлилар барони" ўлими олдидан ўз яқинларини кўз кўриб қулоқ эшитмаган васиятномаси билан уларни гангитиб қўйди.

Бўлбоша, яъни қабила бошлиғи бўлган барон ўлганидан сўнг жасади солинган тобутни жуда усталик билан миналаштиришни, сўнгра портлатиб юборишни қайта-қайта ўргатиб таъкидлашига сабаб, барон олтин тақинчоқларни жонидан ортиқ севаркан. У тақиб юрган катта-катта узуклар, занжирлар, зираклар, миқдорини граммлар эмас бир неча килограмлар ташкил этаркан. Барон ўлганидан сўнг ҳам улардан ажралишни асло истамасди. Агар ўзи билан тиллоларини ҳам қўшиб кўмишса, қабри ва жасади ўғри-қароқчилар томонидан талон-тарож этилишини ҳам жуда яхши биларди. Шунинг учун ўйлаб, ўйлаб ўз тобутини портлатиш усулини топди. Портлатиш маросимига эса баронни билганларнинг барчасини таклиф этишларини сўради. Унинг фикрича, қанча кўп одам ўз кўзлари билан бароннинг бойликлари билан қўшиб портлатилганини кўришса, шунчалик қабрида тинч ётишни кўзлаган.

ЎҒРИ ОСОНГИНА ҚОПҚОНГА ТУШДИ

Калугадаги кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида истиқомат қилувчи киши турмуш ўртоғи билан ўтган ҳаётининг 5 йиллигини байрам қилиш учун чиройли дастурхон тузатади ва ёнгиналаридаги магазинга югуриб бориб келиш учун чиқиб кетади. Қайтиб келганида ажойиб ва нохуш воқеанинг гувоҳи бўлади. Уйига келиб қараса, ошхонаси форточкасида бир эркак киши на олдинга на орқага чиқолмасдан қийналиб ётган экан. Омадсиз ўғрининг айтишича, қорни очиб уй ёнидан ўтиб кетаётганида хушбўй ҳидни сезиб, деразанинг кичик кўзи орқали кириб емоқчи бўлибди. Лекин, ўз танаси ўлчамини ўйламасдан калласини тиққан ўғрига дераза даричаси кичиклик қилиб, тиқилиб қолибди.

ЎҒИЛ ФАРЗАНД КЎРИШНИ ИСТАСАНГИЗ...

Медицина соҳасининг отаси бўлмиш Гиппократ ўз замонасида ташқи кўринишига қараб она қорнида қиз ёки ўғил фарзанд ривожланишини айта олган. Унинг фикрича, қорнида қиз бола ўсаётган онанинг юзи оқиш бўлиб, бош қоронғилик даври оғир кечади. Агар онанинг юзлари қизил ва бош қоронғилик енгил кечса, ўғил туғилишини аниқлаган. Кейинчалик 2,5 аср ўтиб Стокгольм қироллиги тиббиёт соҳаси олимларининг аниқлашларича, қиз болага ҳомиладор аёлларнинг юзларидаги оқлик "сурункали гонадотприн" деб номланган гармонларга боғлиқ бўлиб, уларнинг кўпайиши натижасида кўнгил айниши ҳам кучаяр экан.

Даниялик олимлар ана шу гармонларни текшириб кўрганларида, улар кўрқиш натижасида кўпайишини аниқлашган. Масалан: статистик маълумотларга кўра, қаттиқ ва даҳшатли ер қимирлагандан сўнг ўша жойда қизларнинг кўпроқ туғилиши аниқланган. Демак, она қорнида фарзанд энди пайдо бўлаётган пайтида қаттиқ кўрқиш туфайли унинг жинси ўзгариши мумкин экан. Масалан: ўғил фарзанд кўришни истаганлар ўз аёллари ҳеч нарсадан кўрқмасликлари учун асрашлари керак экан.

ШУ КУННИНГ ЮМУШЛАРИ

ЁНҒОҚНИНГ ДАВОСИ

Ҳар бир фаслнинг кечиктириб бўлмайдиган ўзига хос юмушлари бўлади. Ана шулардан бири ёнғоқнинг ғўрачаларидан дори тайёрлаш. Шуни тайёрлаб олсангиз томоғингиз оғриганда дорихоналардан дори излаб юрмайсиз. Кузнинг ёмғирли ва қишнинг қировли кунларида катталарни ҳам, болажонларни ҳам томоқ оғриғи кўп безовта қилади. Фаол мухлисаларимиздан бўлмиш Шоҳидахон бизга қўнғироқ қилиб халқ табобатида томоқ оғриғини тез ва осон даволаш учун халқона дориларни тайёрлашнинг айни вақти эканлигини айтди. Сўнг ўзи фарзандларини даволашда ишлатадиган дорилардан бирини тайёрлаб олиш усуллари ҳақида гапириб берди.

Бу қуйидагича тайёрланар экан: Ёнғоқнинг ҳали қотмаган юмшоқ ғўрачаларидан қирқ донасини оласиз. Уни гўшт майдалагичдан ўтказиб 0,5 литр ароқ, ҳамда ярим килограмм шакар билан яхшилаб аралаштирасиз-да, банкага солиб, устини елим қопқоқ билан яхшилаб беркитасиз. Сўнг уни қоронғи ва салқин жойда қирқ кун сақлайсиз. Тайёр бўлган шарбат томоқ оғриган пайтда кичик чой қошиқда кунига уч маҳал истеъмол қилинади. Айтгандек, бу шарбатдан кўпроқ тайёрлаб, йод етишмовчилигини бартараф қилишда ишлатса ҳам бўлади. Демак, бу дорини ҳозир тайёрлаб олиш зарур. Ёнғоқнинг ғўрачалари қотгач эса кеч бўлади.

* * *

Азиз мухлислар! Эҳтимол, сизнинг ҳар бирингизнинг ўсимликлардан, ёки турли мевалардан ўзига хос табиий дорилар тайёрлаш усулингиз бордир? Балки, улардан баъзиларини баҳорда, баъзиларини эса кузда тайёрлаш керакдир? Ўзингиз билган, эшитган ана шундай дорилар малҳамларини қай пайтда, қандай қилиб тайёрлаш мумкин? Ана шулар ҳақида ёзиб юборишингизни сўраймиз. Бу ишингиз эса қимларнидир касалликдан фориғ бўлишига ёрдам берар?

Мактубларингизни кутамиз.

БАСИРА

БУЙГА ҚАРАБ ЙЎЛ ҲАҚИ ТЎЛА!

Канаданинг Торонто шаҳрида болалар автобус, метро, тролейбусларда бўйларига қараб йўл ҳақи тўлашади, яъни транспорт эшиклари олдига 11 ёшли боланинг ўртача бўйига тенг баландлик белги қўйилган. Кимки ўшандан паст бўлса, болалар паттаси учун пул тўлайди, катта бўлса катталар билан тенг ҳақ тўлайди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги пайтда америкалик болалар анча бўйдор бўлиб боришмоқда. Бундан 70 йил аввал уларнинг ўртача бўйлари 130 сантиметр бўлган бўлса, ярим аср муқаддам эса 6 сантиметр ўсган. Эндиликда 11 ёшли канадаликнинг ўртача бўйи 150 сантиметрни ташкил этади.

Саҳифани Л.АҲМЕДОВА, Ҳ.ҲОТАМБОЕВА тайёрлади.

31-МАЙ ЧЕКИШГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

ЧЕКИШ КЎП КАСАЛЛИКЛАР САБАБЧИСИДИР

"Шароб ичманг, тамаки чекманг, юрагингизни, асабингизни қийнаманг, сиз шунда 100 ёш кўрасиз".
И.П.Павлов

Инсон соғлиғига зарарли одатлардан энг кўп учрайдигани тамаки ва нос чекиш ҳисобланади. Чекувчи жамиятга катта иқтисоий ва иқтисодий зарар етказади, у фақат чекувчининг эмас, балки атрофдагиларнинг ҳам соғлиғига путур етказиб, умрини сезиларли даражада қисқартиради, иш қобилиятини пасайтиради.

Бугунги кунда тамаки таркибида 500га яқин биологик фаол моддалар борлиги аниқланган. Шулардан 50 дан ортиғи эса танада ҳар хил касаллик уйғотиш хусусиятига эга. Чекувчи тамаки тутунини ичига тортаётган вақтда сигаретанинг учидаги ҳарорат 600°С гача етар экан. Тутун таркибида 300га яқин зарарли моддалар бўлиб, у тутаётган вақтда ўзидан никотин, ис гази, карбонат ангидриди, радиактив полоний, кўрғошин, турли қатронлар, чумоли ва бошқа кислоталар, олтингугурт, бензилпирен, аммиак, формальдегид, қорақуя ва кўпгина бошқа зарарли моддалар чиқаради. Никотин — тутуннинг энг зарарли таркибий қисми. Тамаки тутуни организмни заҳарлайди, биринчи навбатда асаб тизимига ёмон таъсир этади: аввал қўзғатади, кейин кишини ланж қилади. Хотира ва диққат-эътибор сусаяди, меҳнат қобилияти пасаяди. Никотин бош мия томирларини торайтириб, дағаллаштиради. Натижада мия озиқланиши ёмонлашади, қон босими ошиб, бош оғриғи, бош айланиши безовта қилади, бош оғирлашиб туради. Чекиш юракни қон билан таъминловчи коронар артерияларни зарарлаб, умумий атерисклероз ривожланишига сабаб бўлади. Чекиш ўпка, оғиз бўшлиғи, кекирдак, ҳалқум, қизилўнгач, ошқозон-ичак, жигар, ўт пуфаги, меъда ости бези, рак касалликларини келтириб чиқаради, яъни бевақт ўлимга сабаб бўлади. Чекиш жинсий аъзоларга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Чекадиган эркакларда сперматозоидлар ҳаракатчанлиги (демак, уруғланириш қобилияти) тахминан 1,5 баравар пасайиб кетиши аниқланган. Сурункали чекиш иммунитетни сусайтириб, турли микроблар фаолияти учун кенг йўл очади. Эндокрин безлар тизими бузилиб, қандли диабет, бўқоқ каби хасталиклар ривожланади.

Чекувчи аёлларда ҳомиладорлик эрта тугаши, вақтдан илгари туғруқлар, ўлик бола туғилиши ҳолатлари, чекмайдиган аёлларга нисбатан 2-3 марта кўп учраши кузатилган. Туғма норасо болалардан 70 фоизга яқинининг ота-оналари кашанда эканлиги аниқланган. Барвақт чекиш кўпинча қизларга ҳайз кўришнинг издан чиқишига сабаб бўлади. Чекишни эрта бошлаган ўғил ва қиз болалар ақлий ва жисмоний жиҳатдан ўз тенгқурларидан анча орқада қолишлари исботланган.

Сафар МУХАММАДИЕВ
доцент

БИР ПИЁЛАГИНА ЧОЙ ИЧСАНГИЗ...

Чой фақат чанқоқни босувчи ичимлик бўлмай, балки инсон организмини соғломлаштирувчи мўъжизакор суюқлик ҳамдир. Қиш кунлари ташқаридан совуққотиб келиб бир пиёлагина иссиқ чой ичишингиз билан, танангизга иссиқлик югуради. Ёки ёзда қаттиқ иссиқдан чарчаб, ҳолсизлансангиз бир пиёлагина кўк чой танангиздаги чарчоқ ва чанқоқни босиб, ҳузур бағишлайди, кайфиятингизда осойишталик, танангизда эса тетиклик пайдо қилади.

Бир пиёлагина чой ичида куч-қудрат борми дерсиз. "Ҳа, бор" дейишади тадқиқотчилар.

Биргина чой япроқларида жуда кўп миқдорда оқсиллар бор. Уларнинг таркибида 10дан ортиқ витаминлар мавжуд бўлиб, улар инсон организми учун энг зарур ҳисобланади. Масалан, ундаги А, В1, В2, В6, Е, К, Р витамини, микроэлементлардан калий (юрак ва қон-томирлари, мускуллар ва нервлар учун), фтор (милк ва тишлар учун), йод (эндокрин безларининг фаолиятини яхшилайди), марганец (суяклар учун), чой феноли, теин, флавонид, қанд липиди ва бошқалар инсон танаси учун ниҳоятда зарур ҳисобланади.

Чой феноли нурланишнинг олдини олади. Шунинг учун узоқ вақт давомида телевизор кўрадиганлар ёки компьютерда ишлайдиганлар тез-тез чой ичишлари керак.

Чой таркибидаги теин моддаси фенол билан биргаликда инсон танасидаги холестерин моддасини камайтиради, қон томирларини кераксиз чиқиндилардан тозалайди ва инфарктнинг олдини олади. Флавонидлар эса рак билан хасталанишдан асрайди.

Чойнинг буржларга ҳам ўзига хос таъсири бўлиб, улар қуйидагича:

◆ Қон айланиш системаси фаолиятини яхшилайди. Айниқса, **балиқ буржи**дагилар учун фойдали.

◆ Семириб кетишнинг олдини олади **қисқичбақа буржи**дагиларга фойдаси кўпроқ.

◆ Ташқи кўринишни - терини майинлаштиради. Айниқса, **тарозу буржи**дагилар учун фойдали.

◆ Марказий нерв системаси фаолиятини фаоллаштиради. Айниқса, **қовға** ва **арслон буржи**дагилар учун фойдали.

◆ Инсон организмида юқумли хасталикларга қаршилик кўрсатиш фаолиятини оширади. Айниқса, **бошоқ** ва **ўқотар буржи**дагилар учун фойдали.

◆ Бактерияларга қаршилик кўрсатиш ва ошқозон, буйрак ва жигарни дизенфекциялаш - зарарсизлантириш хусусиятига эга. Айниқса, **бузоқ буржи**дагилар учун фойдали.

◆ Қон босимини пасайтириш хусусиятига эга. Айниқса, қўй буржи остида туғилганлар учун кўриш қобилиятига таъсир қилади, **чаён** ва **эгизаклар буржи** остидагиларга фойдаси кучли.

Хуллас, бир пиёлагина иссиқ чой ичган кишининг кайфияти тезда яхшиланади. Демак, меҳмон келса дарҳол дастурхон тузаб, бир пиёла чой узатишимизнинг одатга айланиши бежиз эмас экан.

АЛБАТТА БИЛИШИНГИЗ КЕРАК!

Энг яхши ва фойдали чой — бу кўк чой. Айниқса, барглари эзилмасдан бутун ҳолича қуритилгани. Ана шундай кўк чойнинг таркибида юқорида санаб ўтилган барча фойдали моддалари жуда яхши сақланган бўлади.

Энг олий нав ҳисобланган қора чойнинг "Қора аждар" нави ҳам оддий кўк чойнинг олдида учинчи ўринда турар экан. Сабаби, иссиқ ишловдан ўтгандан сўнгги қора чой, озми-кўпми барибир ўзининг фойдали хусусиятини йўқотар экан.

Инглиз тиббиёт соҳаси тадқиқотчиларининг хулосаларига кўра, Англиянинг энг катта ва ҳавоси ифлос шаҳарларидан бири ҳисобланган Лондонда 650 дан зиёд 100 ёшдан ошган инсонлар истиқомат қилишаркан ва уларнинг узоқ умр кўришларининг сири-кўк чой ичишларида экан. Олимлар чойни "узоқ умр кўриш гарови" деб аташларига сабаб, унда инсон организмини қаришини секинлаштирувчи хусусиятнинг борлигидир. Чой қон-томирларни тозалайди, терини қуриб қолишдан асрайди, жисмоний меҳнатдан сўнгги чарчоқни олади, асабларни юмшатади ва ҳоказо. Очиқ ҳавода меҳнат қилувчилар кўк чой ичадилар. Англия қироллиги армиясида бир неча юз йиллардан бери аскарларга фойдали ичимлик сифатида чой бериш одатга айланган.

ЧОЙ ИЧИШ ТАРТИБИНИ БИЛАСИЗМИ?

1. Бир кунда қанча миқдорда чой ичилганда соғлиққа фойда бўлади?

Кунига 5-6 пиёла, яъни 150 мл.гача ичиш фойдали ҳисобланади.

2. Чойнинг таркиби дамланганда қандай бўлиши керак?

Бир чой қошиқ чойга бир стакан (200мл.) қайноқ сув солинади. Чойни яхшиси озоздан ва ҳар сафар янгидан дамлаб ичган маъқул. Ҳеч бўлмаганда, уч мартагача эски чой устига дамлаш мумкин, лекин бир сутка (яъни 24 соатдан)дан ошмаслиги керак. Сабаби, бир суткадан сўнг чойнинг таркибидаги фойдали хусусияти бузила бошлайди.

3. Чой дамланадиган сув қандай бўлиши керак?

Тоза ва юмшоқ сув бўлиши керак. Тоза сувни ёки водопровод сувини филтрлаб олиб, темир чойнакда қайнаш даражасигача олиб борилади, лекин чой шақиллатиб қайнашга олиб бормасдан дамланади. Кўк чойни ҳатто 70 даражага олиб бориб дамласа ҳам бўлади. Сув қаттиқ қайнатиб дамланган чой ўзининг фойдали хусусиятини йўқотади.

ЧОЙДАН ХУШРЎЙЛИК УЧУН ҲАМ ФОЙДАЛАНИНГ

❖ Сочларингизни чой билан чайинг. Шунда сочларингиз жилоланиб, ўзининг табиий ва кўркам кўринишига эга бўлади. Бунинг учун бир ош қошиқ чойга икки стакан (400мл.) қайноқ сув қуйиб дамлаб қўясиз. Совугач докадан ўтказиб оласиз, бошингизни ювиб бўлгач, устидан чой билан чайиб ташлайсиз.

❖ Гўзал бўлиш учун чойли ванна фойда беради.

Танангиз терисини юмшоқлиги, майинлигини, эгилувчанлигини ошириб, гўзал кўринишга яъни янада ёшаришга эришишни истасангиз қуйидагича ванна қабул қилинг: 2 литр қайноқ сувга бир пачка 200 граммлик ёки 100 граммли чойнинг икки қутисини солиб дамлаб, 10 дақиқа қўясиз. Бу пайт ичида ваннани илиқ сувга тўлдирасиз. Дастлаб дамлаб қўйган чойни ва яна 1 литр сутни солиб аралаштирасиз-да, 15-20 дақиқа давомида шу ваннани қабул қиласиз.

✪ Юз терисини яхшилаш учун эса, пахтани совуқ чойга ботириб юзингизни, бўйнингизни яхшилаб артиб, қуришини кутинг. Юзни қайта чайиб ташлаш керак эмас.

КЎЗЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ МУОЛАЖА

Агар кўзларингиз ости салқиб, халтачалар осилиб тургандек бўлса ёки чарчаётгандек кўринишингиз ёмон бўлса, тезда чой дамлаб, илиқ ҳолга келганда докадан иккита бир неча қаватли кичик рўмолча ясаб, чойга ботириб олинг-да, 10 дақиқа давомида бошингизни орқага эгиб ёки креслога суянган ҳолда кўзларингизга босиб ўтиринг. Ушбу муолажани кунига бир неча маротаба такрорлашингиз мумкин.

Лола АҲМЕДОВА тайёрлади

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

ҚЎЙ
(21.03 — 20.04)
Ҳафтанинг бошланишида бироз маблағга эга бўласиз. Чоршанба куни ишга оид учрашувлар белгиламаганингиз маъқул. Жума куни эса турли шартномаларни сира иккиланмай тузишингиз мумкин.

СИГИР
(21.04 — 21.05)
Шахсий ҳаётингизни севикли инсон билан боғлашингиз мумкин. Сиз унинг ҳар қандай таклифига сира иккиланмасдан рози бўлинг. Сизни келгусида бахтли тақдир кутмоқда.

ЭГИЗАКЛАР
(22.05 — 21.06)
Сешанба харидлар учун энг қулай кун. Жума куни ҳамкорларингиз билан бўладиган тадбирда бирор таклифга рози бўла кўрманг. У сизни бутунлай хонавайрон қилиши мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА
(22.06 — 22.07)
Ушбу ҳафта сиздан қарз олган дўстларингиз қарзларини қайтаришади. Уларни дарҳол сарфлашга шошилманг. Яхшиси турли харидларингизни сал кейинга қолдиринг.

АРСЛОН
(23.07 — 23.08)
Душанба куни рақибларингиз билан тортишмаганингиз маъқул. Чунки бизнесда ҳамкорлар билан ўзаро келишиб иш тутсангиз даромадингиз баракали бўлади.

БОШОҚ
(24.08 — 23.09)
Ҳафта давомида жуда кўп пул топасиз. Аммо, сарфу ҳаражатингиз ҳам шунга яраша бўлади. Харид қилаётганингизда ҳамёнингизга эҳтиёт бўлинг.

ТАРОЗИ
(24.09 — 23.10)
Душанба куни касбингизга оид кутилмаган муаммолар туғилиб қолиши мумкин. Агар сал босиқ бўлиб, ўйлаб иш тутсангиз ҳаммаси кўнгилдагидек тугайди.

ЧАЁН
(24.10 — 22.11)
Ҳафта хотиржамлик билан ўтади. Чоршанба куни ишхонангизда ноҳуш вазият юзага келиши мумкин. Асабийлашмасдан ақл тарозуси билан иш тутишни маслаҳат берамиз.

ЎҚОТАР
(23.11 — 21.12.)
Яқинларингиздан бири билан янги иш бошлаш арафасидасиз. Бу ҳамкорлик натижасида келгусида яхши мулк эгаси бўлишингиз мумкин. Бироқ шеригингизга якшанбагача аниқ жавоб айтишга шошилманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ
(22.12 — 20.01)
Чоршанба ёки шанба куни иқтисодий аҳволингиз бироз яхшиланиши мумкин. Бундан ҳаволаниб кетманг. Жума куни дўстларингиз билан яхшилаб ҳордиқ чиқаринг.

ҚОВҒА
(21.01 — 18.02)
Ҳафтанинг иккинчи ярмида саёҳатга жўнаб кетасиз. Йўлда саломатлигингиз бироз панд беради. Шунинг учун саёҳатга чиқишдан аввал шифокор кўригидан ўтишингиз керак.

БАЛИҚ
(19.02 — 20.03)
Турли тадбирларда қатнашиш ҳамёнингизнинг сезиларли даражада бўшаб қолишига олиб келади. Якшанба куни хушхабар эшитасиз.

Б. САЙИДАЛИЕВА тайёрлади

ИЮН СИЗ УЧУН ҚУВОНЧ КЕЛТИРАДИМИ ЁКИ...

Июн ойини мунажжимлар иститироҳат боғларидаги бир тепага, бир пастга шўнғиб кетадиган поездчаларнинг юришига қиёслашади. Сабаби, бу ой кутилмаган ўзгаришларга бой бўлиши мумкин экан.

Қўй буржидагилар учун ой ниҳоятда ўзгаришларга бой бўлади. Ҳали бир режани амалга оширишга улгурмай, иккинчиси пайдо бўлиб туриши мумкин. Оилангиз, фарзандларингизга фойдали бўладиган ишларни яхшиси, ойнинг бошларида, яъни 15 июнгача бажаришга ҳаракат қилинг. Ойнинг иккинчи қисми сиз учун унчалик омадли эмас. Ойнинг бошидан 15 июнгача хизмат сафарларига ёки саёҳатларга чиқмаслигингиз тавсия этилади. Ойнинг иккинчи ярмидан бошлаб, олдиндан қолиб кетган ишларингизни, масалан, уйда таъмирлаш ишларини бажаргингиз келиб қолади ва бу ишларни жудаям унумли, сифатли этиб бажаришингиз мумкин.

Сигир буржидагилар, агар сиз тинчгина дам олмоқчи бўлсангиз ёки баъзи бир майда-чуйда ишларни бажармоқчи бўлсангиз, ҳозирдан билганингиз яхши, сабаби барибир ўйлаганингиз бўлмайди. Бу ишларга вақтингиз қолмай каттароқ буюм сотиб олишингиз ёки ишхонангизда молиявий хужжатларни тайёрлаш, кредит масалаларини ечиш ва суғурта ишлари билан шуғулланишингиз мумкин. Бу даврда ҳар хил ўзгаришларга айниқса, кутилмаганда содир бўладиган ўзгаришларга дуч келишингиз кутилади. Ҳар қандай шароитда ҳам хисҳаяжонларга берилмасдан, ҳушёрлик билан масалани ечишга интилинг. 4-6, 20-25 кунлари бирор бир нарсадан хафа бўлиб, кайфиятингизни бузмасликка ҳаракат қилинг. Бирор бир муаммо туғилганда вазиятни тезда ўзгартириб, асосий мақсадингизни амалга оширилишини ўйланг. Дўстларингиз, ҳамкасбларингиз ёрдамидан фойдаланинг. Маслаҳатларга тўғри амал қилсангиз, ой охиридаги натижалардан албатта кўнглингиз тўлади.

Эгизаклар буржидагилар учун июн ойи хиссиётларга берилишга мойилроқ бўлади. Бажармоқчи бўлган режангизни бажарилишига ишонмаслик, кўрқиш ва пушаймонлик ҳолатларига тушиш сезилади. Лекин тасодифан ўзингиз ҳақингизда бирор бир гап эшитиб қолишингиз, сизни тўлқинлантириб юборади. Тўғри, охири ёлғон бўлган шу арзимас воқеалар ҳам анчагина вақтингизни беҳуда сарфлашингизга сабаб бўлиши, ўзингизга бўлган ишончингиз йўқолиши, яқинларингизга ишонмаслик ҳолатида бўлишингиз мумкин. Шунинг учун ҳар қандай шароитда ҳам ўзингизни қўлга олиб, дунёнинг ўткинчи эканлигини эсланг. Ақл-идрок, хушёрлик билан ҳар қандай қийинчиликни енгиш мумкинлигини ёдингизда тутинг. Ойнинг иккинчи ярмига бориб барча тушунмовчиликлар ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Ўзингизни енгил сезасиз. Оилангиз, атрофингиздаги кишилар билан муносабатингиз яхши томонга ўзгаради. Ўзингизни бардам, кучли ва бахтли хис этасиз.

Қисқичбақа буржидагилар учун "Секин юрсанг узоққа борасан" ёки "Сабрнинг таги олтин", деган мақолларга амал қилинса, ой унумли ва сермазмун ўтиши кутилади. Барча бурж соҳибларникидек, сизники ҳам ҳар хил ўзгаришларга бой бўлади. Ўзингизни гўёки "ҳаёт" деб номланган улкан уммонда оқаётгандек хис этасиз. Шундай пайтда, жудаям муҳим ишларингиз қолиб кетаётган бўлса-да, ўзингизни ўша оқим ихтиёрига топшириб, тинчгина оқаверинг. Оқимга қарши сузишга ҳаракат қилманг. Фойдаси йўқ. Яхшиси дам олинг. Дала ҳовлингизда ишларингизни бажаринг. 25-26 июн кунлари узоқ сафар ёки саёҳатларга чиқиш тавсия этилмайди. Агар уй, машина ва ҳоказоларни сотмоқчи ёки сотиб олмоқчи бўлсангиз, бу ишларни жудаям эҳтиёткорлик билан амалга оширинг. Акс ҳолда сизни лақиллатиб, алдаб кетишлари мумкин. Ойнинг охирларига бориб ўзингизни хурсанд қилувчи янгиликнинг гувоҳи бўласиз. Анчадан бери орзу қилиб юрган ишингиз битиши ёки сафарга боришингиз мумкин.

Арслон буржи остида туғилганлар учун "Мен одамларга керакманми? Умуман бошқалар мен билан ҳисоблашадиларми, йўқми?" деган ўй пайдо бўлиши мумкин. Ҳатто июн ойининг охирларигача ўзингизни арслондек кудратга эга эканлигингизни бошқаларга намойиш этингиз келиб қолади. Сизга қарши чиқмоқчи бўлганларни еб кўядиган даражада ёмон кўриб кетасиз. Ана шундай шиддатли ва жанговар ҳолатингизни бирор бир фойдали ишни бажаришга сарфласангиз, албатта уни муваффақиятли якунлайсиз. Чунки танангиздаги куч-қудратга ақл-идрокингизни ҳам қўшсангиз ҳар қандай ишларни ҳам бажара олишга қодирлигингизни бошқаларга кўрсата оласиз. Агар янги корхонага ишга ўтган бўлсангиз бошлиғингиз ва атрофдагилар ишингиздан рози бўлишади. Оилангизга, фарзандларингиз бўлса, уларга ҳам меҳрибончилик қилиб, вақт ажратишга ҳаракат қилинг. Мунажжимларнинг фикрича, арслон буржидаги аёллар июн ойида ҳомиладор бўлишлари тавсия этилмайди.

Бошоқ буржидагилар учун ой ҳар кунлик турмуш икир-чикирларини бажаришининг кўпайиши билан бошланади. Бироқ қанчалик чарчашингиздан қатъий назар қалбингизни ҳаётдан розилик ҳиссиёти тўлдиради. Яъни: "Ахир менинг ана шу бажараётган ишларим кимлардир асқотади-ку", дегандек, гўёки бошқалар сизсиз қўлсиз ёки оёқсиз бўлиб қолаётгандек туюлади. Ҳақиқатан ҳам июн ойида сиз унумли ишлайсиз. Атрофингиздагилар ҳам сиздан, меҳнатингиздан жуда миннатдор бўлишади. Сабаби, сиз ўз яқинларингизни кўпгина муаммоларини хамирдан қил суғургандек бажариб бера оласиз. Лекин ҳадеб бировларнинг ташвиши билан югуравермай, ўзингизни ҳам ўйлашни унутманг. Шунингдек, ҳар кимларга жудаям ишонаверманг. Бировга ёрдам беришдан ёки яхшилик қилишдан олдин оқибатини ҳам ўйланг. Баъзида бировга яхшилик қилиб, ёмонлик кўрадиган ҳолатлар ҳам борлигини унутманг. Жаҳлингизни иложи борича жиловлашга, айниқса, 4-15 июн кунлари алоҳида эътибор билан ўзингизни босиб олишга, ақл-идрок ва хушёрлик билан иш кўришга ҳаракат қилинг. Сабаби ишхонада ёки уйда ўзингиздан катталар билан хафалашиб қолишингиз мумкин. Нима бўлганда ҳам, июн ойи сиз учун унчалик ёмон эмас. Ойнинг охирларига бориб, меҳнатларингиз ўз самарасини бера бошлайди. Дўстларингиз, эски қадрдонларингиз режаларингизни амалга оширишда сизга мададкор бўлишлари мумкин. Ҳаётингизда яхши тасодифий ўзгаришлар бўлиши кутилади.

Тарози буржидагилар учун июн ойи илиқлик бағишлайди. Кўнглингизда саёҳатларга чиқиш, сўлим жойларда оила аъзолари билан дам олиш истаги пайдо бўлади. Кўпчилик тезда кўнгилда пайдо бўлган режани амалга оширишга ошиқади. Тарози буржидагилар учун июн ойи хосиятли ой ҳисобланади. Бу ойда ҳали оила қурмаганлар ўзларининг ҳақиқий бахтларини топишлари мумкин. Шунинг учун турмуш қурмаган бўлсангиз таниш-билишлар ёки узоқдан келганлар орасидан ўз бахтингизни изланг. Саёҳатларга, хизмат сафарларига боришингиз фойда келтиради. Ундан ташқари, ишхонадаги ишлар ҳам кўпайиб кетиб, чалкашиб кетади-да, уринишларингиздан камроқ натижа чиқади. Яхшиси, хизмат сафарига кетганингиз ёки бу ойда дам олганингиз маъқул. Бу ойда яқинларингиз, қариндошларингиз кайфиятингизни бузиши мумкин. Шунинг учун улар билан мулоқотда эҳтиёткорроқ бўлинг. Ойнинг охирларига бориб бу ҳолат ўтиб кетади.

Чаён буржи остида туғилганлар учун июн ойи анчагина чегараланган доирада кечади. Яъни, кўпроқ ўз уйингиз оилангиз билан машғул бўласиз. Уйдаги ҳар хил нохушликлар, муаммолар айниқса, мол-мулк муаммолари чиқиб қолиб, кайфиятингизни бузиши мумкин. Янги уй сотиб олишингиз ёки уйингизни алмаштиришингиз, таъмирлашингиз мумкин. Бировдан "олди-бердингиз" бўлса, беришингизга тўғри келади. Ана шундай муаммоларга бой ҳаёт июн ойининг 19-20-ларигача давом этиши мумкин. Шундан кейингина ўзингиз орзу қилган дам олиш кунлари бошланиши, саёҳатларга чиқишингиз ёки болаларингиз учун бирор бир фойдали ишни охирига етказишингиз мумкин. 22-24 июн кунлари ҳамёнингизга маҳкамроқ бўлинг. Акс ҳолда, пулларингиз ўз- ўзидан чиқиб кетганини билмай қоласиз. Ижодкор бўлсангиз, ҳақиқий илҳом париси сизга кулиб боқади ва ишларингиз ривожланиб кетади.

Ўқотар буржида туғилганлар учун июн ойи анчагина ўзгаришларга бой бўлади. Оилалик бўлсангиз, рашк туфайли кайфиятингиз бузилиши, натижада, оилангизда тинчлик бузилиб, қариндош-уруғларингиз ҳам бу масалани ечишга аралашишлари мумкин. Агар турмуш ўртоғингиз сизни севса, аста-секин ишларгиз яхшиланиб ойнинг охирида хатто оилавий саёҳатга чиқишингиз кутилади. Агар турмуш қурмаган бўлсангиз, ҳақиқий бахтингизни топишингиз мумкин.

Тоғ эчкиси буржида туғилганлар учун июн ойининг бошланиши унчалик яхши бўлмайди. Оилалик бўлсангиз, турмуш ўртоғингиз сиз билан майда-чуйдалар учун ҳам уришгиси келаверади. Фарзандларингиз, яқинларингиз айтганингизни қилмайди. Ўзингизни эзилгандек, ҳорғин ва бахтсиз ҳис этасиз. Лекин хафа бўлиб тушкунликка тушишга шошилманг, Ойнинг 15 -кунларидан сўнг омад сизга кулиб боқади. Соғлиғингиз ҳам яхшиланади, яқинларингиз билан муносабатингиз яхши томонга ўзгаради. Ҳамёнингиз ҳам сезиларли даражада тўлади. Оёғингиз ниҳоят қаттиқ ерни хис қилиб, ўзингизга нисбатан ишончингиз ортади. Янги ва яхши ишга ўтишингиз ёки дўстларингиздан каттагина инъом олишингиз мумкин. Хуллас, сизга ҳавас қилса арзийди.

Қовға буржида туғилганлар учун, июн ойи хосиятли бўлади. Ўзингизни куч-қувватга тўлгандек ҳис қиласиз. Табиатдан олаётган қувватингиз ошади. Бу кайфият эса сизни ҳар хил қизиқарли ишларни режалаштиришга ундайди. Қалбингиз ҳаётдан лазатланади, меҳру муҳаббатга тўлади. Ишқ-муҳаббат ҳақида ўйлаб қоласиз. Оилангиз осудалик, дўстларингиз билан муносабатингиз жуда яхши кечади. 6-16 июн кунлари хиссиётларга берилманг, жаҳлингиз чиқса, ўзингизни қўлга олишга ҳаракат қилинг. Ойнинг охирларига бориб анчадан бери сотиб олишни орзу қилиб юрган нарсангизни харид қилишингиз мумкин.

Балиқ буржида туғилганлар учун июн ойи тинч кечмайди. Ҳар хил воқеа-ҳодисалар, ўзгарувчан ҳаётдан безиб, осудаликда дам олишни кутиб юрган бўлсангиз, афсус билан билдирамизки бунга эришолмайсиз. Сабаби, оилавий ташвишлар, қариндош-уруғларнинг ёки таниш-билишларнинг муаммоларидан безор бўлишингиз кутилади. Устига-устак яқинларингиз сиздан кўп нарсаларни беркитади ёки умуман айтмайдилар. Сиздан ёрдам кутишади-да, чигал масаланинг ҳақиқий моҳиятини сизга тўғридан-тўғри айтиб бермасдан, беркитишади. Айни пайтда, ёрдам сўрашиб, бошингизни қотиришлари мумкин. Бундай ноаниқ масалалар анчагина вақтингизни олади. Шунинг учун, агар таъмирлаш ишлари билан ёки бирор бир муҳимроқ иш билан шуғулланмоқчи бўлсангиз, ишингизни сал орқароққа суринг. 12-15 июн кунлари майда-чуйда муаммолар чиқиб, кўпгина ишларингизга халал бериши мумкин. Шу кунлари жуда хушёр бўлиб, ақл-идрокингизга суяниб иш қилинг. Ойнинг охирларига бориб хурсандчилигингиз, ташвишларингизни бир четга суриб ташлайди. Фарзандларингиз, ёки дўстларингиз сизни хурсанд қилишлари, ишларингиз юришиб кетиши мумкин. Фарзанд кутаётган бўлсангиз, жуда хосиятли пайт ҳисобланади.

Нодира РЎЗИМАТОВА
тайёрлади

Муҳтарама устозимиз ва меҳрибон дўстимиз Насибахон СОЛИҲЎЖАЕВАга опалари **СОЖИДАХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этамиз.

Бир гуруҳ дўстлари

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 34-25-46

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида **№ 33** рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 396. Формати А-3, ҳажми 4 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нархда. Адади - 21442
Саҳифаловчи — **Акбар ШОДИЕВ.**
Рассом — **Набижон ХОЛМУРОДОВ.**
Навбатчи — **Ҳ. ҲОТАМБОЕВА**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДОЛИМОВ.**

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.